Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan www.uzas.uz 2017-yil 29-sentyabr №40 (4438)

**Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.**

* * *

**Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.**

**Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир.**

* * *

**Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда.**

**Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 1 Октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



# ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи том маънода тарихий аҳамиятга дахлдор бўлди. Ушбу нутқ Тошкент вақти билан ярим тунда тўғридан-тўғри эфирга узатилганига қарамасдан биз кўплаб ҳамкасбларимиз билан бирга тинглаб, донишманд, жасоратли давлатимиз раҳбаридан чексиз фахр-ифтихор ҳис этдик. Дарҳақиқат, ушбу тарихий нутқда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, аниқ ва муҳим ҳаётий таклифлар нафақат минтақамиз, балки бутун дунё аҳли учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг чиқиши жаҳон жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Президентимиз сўнгги йилларда тобора кучайиб, дунё аҳлини ташвишга солаётган терроризм ва экстремизм таҳдидлари моҳиятини жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини қайд этиб, бундай ўта хавфли иллатга қарши куч ишлатиш йўли билан эмас, балки бошқа омиллар билан курашиш ва илдизини қирқишга, биринчи навбатда, ёшларнинг онг ва тафаккурини маърифат асосида шакллантириш орқали кучли иммунитет яратиш зарурлигига эътибор қаратди.

Президентимиз ўз нутқида ислом динининг асл моҳиятини ниҳоятда теран талқин этиб бергани ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. БМТнинг юксак минбаридан туриб биринчи маротаба айтилган ислом динининг эзгуликка ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этадиган буюк дин эканлиги ҳақидаги фикрлар таҳсинга лойиқ. Шу муносабат билан бундан минг йиллар олдин Марказий Осиёда юз берган Уйғониш даврида юртимиздан етишиб чиққан кўплаб буюк алломалар ва мутафаккирларнинг ислом дини ривожи ва жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақидаги фикрлар ҳам беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Ўша даврда фаолият кўрсатган юзлаб, эҳтимол минглаб улуғ алломалар сафида буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг оламшумул аҳамиятга эга илмий-маънавий мероси ҳақида айтилган фикрлар эса, шахсан мен учун, яъни алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини кўп йиллардан буён ўрганган бир тадқиқотчи сифатида ғоятда ҳаяжонли бўлди. "Имом ад-дунё" (Бутун дунёнинг имоми) деган юксак шарафга сазовор бўлган Имом Бухорий ҳазратлари ҳақидаги муҳтарам Президентимиз фикрлари дунё аҳли томонидан алоҳида ҳурмат-эътибор билан қарши олинди. Ҳақиқатан ҳам ислом таълимотида Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган манба – "Саҳиҳи Бухорий"га тартиб берган буюк аллома Имом Бухорий ҳазратларининг буюк хизматлари Президентимиз томонидан дунё ҳамжамияти эътиборига ҳақли равишда яна бир бор ҳавола этилди.

Ҳаққоний савол туғилади: юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар қандай қилиб ўрта асрлар шароитида илму маърифат ва маънавиятда шу қадар беқиёс ютуқларга эришганлар? Бунинг сабаблари кўп бўлса-да, улардан энг муҳими, у зотлар Ислом динининг асосий манбалари бўлган Қуръони карим ва жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида келтирилган илму ирфон хусусидаги улуғ ғояларга ихлос билан қатъий амал қилганлар. Улар ислом динига илмий нуқтаи назардан ёндошиб, чинакам маърифий исломни ўрганиб, уни тарғиб қилганлар, бу диннинг софлиги йўлида фидойилик кўрсатганлар, ҳар қандай бидъат-хурофот ва залолатга бошловчи тоифаларга қарши шафқатсиз курашганлар. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ислом динининг асосий тамойилларидан бири маърифат. Бу хусусда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг "Афзалукум иймонан, афзалукум маърифатан" (Сизларнинг иймон-эътиқодда афзалларингиз, маърифатда ҳам афзалларингиздир) ёки "Ал-маърифату – нурул қалби" (Маърифат қалбнинг нуридир) каби ҳадисларига буюк алломаларимиз оғишмай амал қилиб, илмда ҳам, маърифатда ҳам оламшумул ютуқларга эришганлар.

Ҳозир Ватанимизда муборак ислом динининг илмий-маърифий таълимотини асраб-авайлаш ва илмий асосда чуқур ўрганиш, дунё бўйлаб кенг кўламда тарғиб қилиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Бу ишлар дунё ҳамжамияти учун ҳам бир ибрат ва намуна десак асло муболаға бўлмайди. Айнан шу мақсадда мамлакатимизда кўплаб илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилаётир. Бу борада Юртбошимиз нутқида тилга олинган фикрлар дунё жамоатчилиги ва кўплаб давлатлар раҳбарлари томонидан юксак мамнуният ҳисси билан баҳоланаётгани ҳам юртимиздаги улуғ ва савоб ишларнинг амалий эътирофлари дейиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрни ва нуфузи ошишига хизмат қиладиган муҳим воқеа бўлганлиги билан ҳам тарихий аҳамиятга дахлдордир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

## МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ

Эҳтиром

**Меҳр нури ёғар доим**
**кўзингиздан, устозлар,**
**Юрсам дейман бу табаррук**
**изингиздан, устозлар.**

**Чин инсонлик китобига**
**бахту ҳикмат битибсиз,**
**Одоб ила билим олдим**
**сўзингиздан, устозлар.**

**Қалбингизнинг йўқ ғубори,**
**меҳрибонсиз шунчалар,**
**Қуёш олсин ҳароратин**
**юзингиздан, устозлар.**

**Фан боғининг боғбонисиз,**
**чароғбонсиз кўнгилга,**
**Минг эҳтиром ўғлингиздан,**
**қизингиздан, устозлар.**

**Жой олдингиз бир умрга**
**шогирд юрак тўридан,**
**Мўмин ҳаёт дарсин ўқир**
**ўзингиздан, устозлар.**

**Пўлат МЎМИН,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# "ОЛАМ АҲЛИ БИЛИНГИЗКИМ..."

**Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг сермазмун, пурмаъно нутқи фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида иштирок этаётган турли миллат ва элатларнинг раҳбарлари, вакилларинигина эмас, балки бутун дунё афкор оммасини яна бир карра лол қолдирди, десам асло янглишмаган бўламан.**

Юртбошимизнинг хатти-ҳаракатларию сўзларидаги темурий дадиллик, шаҳду шиддат, ўктамлик, аниқ фактларга, чуқур таҳлилга бой, ишончли таклифлари ҳаммани ҳайратга солди. Бу бежиз эмас, албатта. Президентимиз томонидан айтилган ҳар бир сўзда асос бор. Жаннатмонанд Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, келажагимиз учун маёқ вазифасини ўтаётган "Ҳаракатлар стратегияси", барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар, айниқса, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётда сиёсий партиялар ўрнини кенгайтириш, инвестицияга кенг йўл очиб бериш, миллий валютани эркин конвертация қилиш, эркин иқтисодий зоналар яратиш орқали халқ фаровонлиги таъминланаётгани ҳақида айтилган фикр-мулоҳазалар сессия қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотганининг гувоҳи бўлдик. Оддий халқ билан олиб борилаётган мулоқотлар, Президент виртуал қабулхонасининг иш юритаётгани, ҳозиргача 1 миллиондан ортиқроқ фуқаронинг унга мурожаат этиб, муаммоларининг ўз ўрнида ҳал қилингани тўғрисидаги гаплар фақат сессия иштирокчиларига эмас, балки бутун Америка халқига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Энг аввало, Президентимизнинг БМТнинг юксак минбарида туриб сўзлаган нутқи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги, бошқа давлатлар орасидаги нуфузини, обрўсини яна бир поғона баландга кўтарди.

Америкалик адвокат Алиссан Никел Гросэ ушбу нутқни эшитиб, очиқлик, ошкоралик, демократия ҳукмрон бўлган Ўзбекистондек давлатнинг борлигидан ҳайратга тушганини яшира олмади.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

## МУБОРАК БЎЛСИН!

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари юксак тақдирланган муаллимлар ва мураббийлар орасида таниқли ижодкорларнинг ҳам борлиги барчамизни беҳад хурсанд қилди.*

*Чунончи, таниқли шоир, таржимон Мирзо Кенжабек ва атоқли олим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Убайдулла Уватовнинг "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан тақдирлангани муҳтарам Президентимизнинг ижод ва илм аҳлига кўрсатаётган юксак рағбати ва эътиборидир.*

*Биз адабиёт мухлислари, ижодкорлар ва таҳририятимиз жамоаси номидан Ватанимизнинг юксак унвонига сазовор бўлган жонкуяр ва фидойи ҳамкасбларимизни чин дилдан қутлаймиз!*

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги**

## "ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ "

**мавзуида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

*Мамлакатимизда Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари, белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, энг муҳими, халқимизнинг онгу тафаккури, интилиш ва ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги мана шу йўлда жонбозлик кўрсатиб, фидойиларча меҳнат қилаётган замондошларимизнинг бадиий мукаммал образлари яратилишига ҳисса қўшиш, бугунги улуғвор бунёдкорлик ишларини тарих зарварақларига муҳрлаш, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, хусусан, ёш ижодкорларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб–қувватлаш мақсадида* ***"ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ"*** *мавзуида бадиий ва ижтимоий-сиёсий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳасини эълон қилади.*

**ИЖТИМОИЙ БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ЯРАТИЛАДИГАН ИЖОДИЙ ИШЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ТАЛАБЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН:**

▶ аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилиши билан боғлиқ бўлган масалалар, уй-жойга кўчиб кирилишида одамларнинг қувончи, узоқ йиллик орзу-умидларининг рўёбга чиқишини ёрқин бадиий бўёқларда ифодалаш;

▶ янги саноат корхоналари қуриб битказилаётганлиги (масалан, Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари ҳудудида жойлашган йирик нефтни қайта ишлаш заводлари қурилиши);

▶ республикамизда янгидан бунёд этилаётган кенг ва равон йўллар, кўприклар, ер усти метро тармоқлари, сув иншоотларининг қурилиш жараёнлари;

▶ аҳолини арзон дори-дармонлар билан таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар;

▶ тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар;

▶ амалга оширилаётган Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари;

▶ "Халқ қабулхоналари — адолат қўрғонлари" мавзуида фуқароларнинг фикрини ўрганиб, жойларда фаолият кўрсатаётган ижро органларининг халқ дардини тинглаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки;

▶ мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, чегараларимиз дахлсизлигини асраш;

▶ ёшларимизни она юртга меҳр ва садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

▶ узоқ йиллар Ўзбекистонда яшаб, фуқаролиги бўлмаган, бугунги кунда паспорт олаётган ватандошларимиз қалбидаги чексиз фахр-ифтихор туйғулари, ҳис-ҳаяжонларининг бадиий ифодаси;

▶ ён қўшниларимиз бўлган давлатлар билан азалий қардошлик алоқаларининг қайта тикланиши;

▶ Республикамизда Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши билан боғлиқ бўлган ишлар ва бошқа ижтимоий–иқтисодий ислоҳотларни ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этувчи асарлар шулар жамласидан.

Буюртма берилган китоблар Агентлик тизимидаги нашриётлар қошида тузилган нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланиб, нашриётларнинг ижтимоий грантлари асосида чоп этилади ва муаллифларга белгиланган тартибда қалам ҳақи берилади.

Нашриётлар ва муаллифлар ўртасида тузиладиган шартномада ижтимоий грантлар асосида яратиладиган китоб учун қалам ҳақининг маълум қисмини олдиндан тўлаш ҳам кўзда тутилади.

**ЛОЙИҲАДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА:**

Ижтимоий буюртмалар лойиҳасининг ташкилий ва ижодий жиҳатлари юзасидан Агентлик тизимидаги нашриётларга бевосита мурожаат қилишингиз ҳамда улар билан олдиндан шартнома тузиш тартибида лойиҳани бажаришга киришишингиз мумкин.

**Агентлик тизимидаги Нашриёт — матбаа ижодий уйларининг манзили:**

**1.** "Ўзбекистон" НМИУ-10011,Тошкент, Навоий кўчаси-30.тел:.(371) 244-87-55, 244-87-20. Факс: :.(371) 244-37-81,244-38-10;

**2.** "Ўқитувчи" НМИУ -100206,Тошкент, Янгишаҳар кўчаси-1. :.тел:.(371) 224-10-77,224-05-49.Факс: :.(371) 224-05-61;

**3.** Чўлпон номидаги НМИУ -10011,Тошкент ,Навоий кўчаси-30.тел:.(371) 244-10-45. Факс: (371) 244-58-55;

**4.** "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти - 10011,Тошкент, Навоий кўчаси-30.тел:.(371) 244-34-38,244-60-75, 244-07-47. Факс: :.(371) 244-24-91;

**5.** Ғафур Ғулом номидаги НМИУ-100128, Тошкент, Лабзак кўчаси-86.тел:.(371) 241-19-28, 241-18-96. Факс:.(371) 241-82-69;

# “ОЛАМ АҲЛИ БИЛИНГИЗКИМ...”

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Ш.Мирзиёевнинг БМТнинг одилона тинчликсевар сиёсатини Ўзбекистон ҳукумати ҳамиша қўллаб-қувватлаши, у билан икки томонлама алоқалар олиб боришга доим тайёр эканлиги ҳақидаги гаплари ушбу мўътабар ташкилот раҳбарларини ҳам тўлқинлантириб юборди, улар ўзларининг хурсанд эканликларини яшира олмай, нутқ тугагач, Президентимизга ўз эҳтиромларини изҳор қилдилар.

Президентимизнинг ички сиёсатда эмас, балки ташқи сиёсатда, энг аввало, қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшаш тўғрисида айтган гаплари ва амалга ошираётган ишлари бугун дунёнинг турли минтақаларида бир-бирига ёв бўлиб ётган, биродаркушлик урушларини авж олдираётган қора ниятли кимсалар учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши аниқ.

Нутқда таъкидланган “Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир”, деган сўзлар бундан кейин биз учун дастуруламал вазифасини ўташи аниқ. Нутқ тугамасданоқ унинг тинчликсеварлик, ўзаро мулоқот, ҳар томонлама ҳамкорлик ва яхши қўшничиликка асосланган амалиёти бошланиб кетганининг гувоҳи бўлдик. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятлари билан чегарадош бўлган ҳудудларда чегараларнинг эркинлашганини, узоқ йиллардан буён бир-бирининг дийдорига зор бўлиб яшаётган ёр-дўстларнинг, қон-қариндошларнинг қайтадан дийдорлашганини кўриб ҳаммамизнинг қалбимизда шукроналик туйғулари жўш урди.

Президентимизнинг нутқидан жой олган глобал масалалардан яна бири минтақадаги умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш муаммосидир. Илдизи, урф-одатлари, турмуш тарзи бир бўлган ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман халқлари вакиллари мустақилликка эришганидан сўнг бир муддат ушбу масалада бир-бирлари билан келиша олмай қолганига тарих гувоҳ. Амударё ва Сирдарё сувининг Орол денгизигача етиб бормай, Оролбўйи минтақасида жиддий экологик хавф туғилгани, Орол фожеасининг келиб чиққани бутун дунёга маълум. Ш.Мирзиёев сув муаммосини биргаликда, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ва халқлар манфаатларини тенг ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш таклифи билан чиқди ва тинч йўл билан ҳал этиш ечимларини кўрсатиб берди.

Салкам ярим асрдан буён давом этиб келаётган Афғонистондаги нотинчлик масаласида ҳам Президентимиз амалий таклифлар билан чиқди. Мамлакатдаги аҳволни қурол кучи билан эмас, марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш йўли билан ҳал қилишга даъват этди. Ш.Мирзиёевнинг “Донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир”, деган сўзлари жафокаш афғон халқи учун ажойиб мужда бўлди, десак адашмаган бўламиз. “Тинчликни куч билан сақлаб бўлмайди. Унга фақат тушуниш орқали эришиш мумкин”, деб айтган эди умрининг охирида Америкада яшаган буюк физик А.Эйнштейн. Унга ҳамоҳанг тарзда Ш.Мирзиёев Афғонистондаги ҳолатни БМТ сессияси иштирокчиларига батафсил тушунтириб берди.

Президентимиз томонидан кўтарилган долзарб масалалардан яна бири дунёда ҳукм сураётган терроризм таҳдидлари, айниқса, кейинги йиллари кучайиб бораётган уларга қарши куч билан курашиш усули масаласи бўлди. Ш.Мирзиёенинг “...кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабабларга эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман”, деган фикрлари давлат раҳбарларига терроризмга қарши биргаликда курашишнинг энг мақбул ечимини топишда ёрдам бериши мумкин. “Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа” эканлигини катта тажриба ва салоҳиятга эга бўлган мамлакат раҳбаригина айта олади. Нутқда ёшлар тақдири масаласига, айниқса, экстремистик ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганига эътибор қаратилди. Ёшларнинг умумий сони 2 миллиардни ташкил этиши ҳисобга олинган ҳолда, “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ” эканлиги таъкидланиб, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу соҳани муҳим ҳаётий устун йўналишлардан бири даражасига кўтариш, БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Шу ўринда Ш. Мирзиёевнинг дадиллик билан ўртага ташлаган яна бир фикрини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини айтиб ўтар экан, унинг азалий қадрият сифатида қадрланиши, муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўйишни қатъий қоралашини, ундайлар билан муроса қила олмаслигимизни билдириб ўтди. Бу борадаги Ҳукуматимизнинг собит позициясини маълум қилди. Бу гаплар ҳар биримизнинг кўнглимизда кечаётган ўй-фикрларнинг ёрқин ифодасидир. Дарҳақиқат, ислом жуда катта маънавий ва маърифий кучга, таъсирга эга бўлган эътиқоддир.

Президент айтган БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисидаги таклиф халқимизнинг ҳам айни муддаосидир.

Умуман олганда, ушбу нутқ эзгуликнинг, демократия ҳукм сураётган эркин ва озод мамлакат раҳбарининг овозаси сифатида юрагида яхшилик уруғи бор бўлган ҳар бир инсон қалбини ларзага солди, уларни ҳушёрликка, эзгуликка чорлади. Фикрлар, қарама-қаршиликларга тўлиб-тошиб ётган бугунги кунда огоҳлик бонги бўлиб бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетди.

**Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори**

## ОНА ЎЗБЕКИСТОН

Ифтихор

**Юртга мақтов эмас, муҳаббат керак,**
**Яна ўз сўзимга қайтдим, гумон йўқ:**
**«Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо**
**Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!»**

**Азизлар исмига ватандир нисбат,**
**Елгай юрт номида суворий бўлиб:**
**Бежизми, Исмоил ўғли Муҳаммад**
**Жаҳонга танилди Бухорий бўлиб!**

**Жаҳолат нажотга бўлолмас гаров,**
**Гарчи дунё иши бўлур нисбатан.**
**Ватанни юксакка кўтарса биров,**
**Бировни юксакка кўтаргай Ватан!**

**Маҳшар талошида иймондан бўлак**
**Нима бор нажотга бергувчи имкон? –**
**Термизий бермаса маънодан дарак,**
**Термизни танирди қайси бир инсон?!**

**Пайғамбар боғида туш кўриб озод,**
**Фақиҳ деб аталди, бўлди юртга зеб:**
**Дунёни ғафлатдан уйғотган бу зот**
**Аталди Абул-Лайс Самарқандий деб!**

**Ёзувсиз харита қитъаларидек,**
**Юракка ёзилур Бистомий, Шомий.**
**Туғилиш ва ўлим нуқталаридек,**
**Мавлоно аталмиш Балхий ва Румий!**

**Азиз Ўзбекистон! Сени ким севмас,**
**Азизлар бешиги, эй шонли юрак!**
**Эл бахти сен билан бўлса чамбарчас,**
**Сенинг ҳам эл билан бахтинг муштарак.**

**Қайтсанг, яхшиликка қайтгил, эй дунё!**
**Мен ҳам ўз сўзимга қайтдим, гумон йўқ:**
**Ўзбек кўп бутун Ер юзида, аммо**
**Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ.**

**Мирзо КЕНЖАБЕК,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

*Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги олдидан*

# КАМТАРИН ИНСОН ЭДИ

**Бугун биз, устоз Шароф Рашидовнинг шогирдлари халқ меҳрини қозонган улуғ инсон хотираси абадийлаштирилган ёруғ кунларга етиб келганимиз учун, аввало, Яратганга шукрона айтамиз. Қолаверса, Президентимиз муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг бу борада кўрсатган ташаббуси ва эҳтироми барчамизга, айниқса, ёш авлодларимизга буюк ибрат намунаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.**

Мен кўп йиллар буюк давлат арбоби ва таниқли адиб Шароф Рашидов раҳбарлик қилган Марказқўм қабулхонаси мудири вазифасида ишладим. Камдан-кам раҳбарларда яққол сезиладиган чинакам инсоний камтарлик намунасига айланган улуғ инсон билан бирга ишлаганимдан бениҳоя фахрланаман. Унинг фаолиятида намоён бўлган ва хотирамда муҳрланиб қолган шундай фазилатларнинг айрим жиҳатларини тилга олиб ўтишни у киши олдидаги қарзим ва бурчим, деб ҳисоблайман.

Ўша пайтда амалда бўлган тартибга кўра, бирор масала ёки арз билан келган фуқаролар Марказқўм котиблари ва бўлим мудирлари томонидан қабул қилинар эди. Котиблар орасида фуқароларни энг кўп Шароф Рашидов қабул қилар ва улардан тўқсон фоиздан ортиғининг иши ижобий ҳал бўларди.

Шароф ака қабуллар вақтида кўтарилган масалалар орқали республика ижтимоий-маънавий ҳаётида, халқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришларни, биринчи раҳбарга боғлиқ ҳолда ечими кутилаётган, кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ва, энг муҳими, халқнинг кайфиятини билиб олар эди. Қарийб олти йил у кишининг раҳбарлигида ишлаган бўлсам, таниқли илм-фан намояндалари, ижодкорлар, корхона ва хўжалик раҳбарлари, ишчи ва хизматчилар билан бўлган кўпдан-кўп суҳбатларда бевосита иштирок этганман. Қабуллар чоғи кўплаб долзарб масалалар, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш, янги пахта навларини жорий этиш, пахтани машинада теришни кўпайтириш, Тошкент шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш, қурилиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш, айрим корхоналарни қайтадан жиҳозлаш ва табиатни муҳофаза қилиш каби вазифалар ижроси бўйича амалий тадбирлар белгиланар эди.

Шароф ака қабулга кирган ҳар бир кишини очиқ чеҳра билан самимий қарши оларди, ҳол-аҳвол сўрарди. Сўнг уларнинг сўзини эътибор билан охиригача эшитарди. Мабодо суҳбат пайтида танишларининг номлари тилга олиниб қолса, улар ҳақида ҳам суриштириб, саломларини етказиб қўйишни сўрар эдилар. Бу эса суҳбатдошларнинг ўзларини эркинроқ тутиб, дилидаги гапларни очиқ баён қилишига шароит яратар эди. Қўйилган муаммолар бўйича эса қисқа ва аниқ жавоб берилар эди. Суҳбат муддати чекланмасди, айрим пайтларда тушлик вақти бўлганига қарамасдан қабул давом эттириларди. Ҳар қандай шикоятни вазмин ҳолда эшитар, арзгўйлар билан зиёлиларга хос майин оҳангда сўзлашарди.

Шароф Рашидович ўткир зеҳн ва ҳавас қилгули хотирага эга эди. Қабул пайтида тилга олинган муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ёдларида сақлаб қоларди ва уларнинг ҳал этилишини ўзи назоратга олар эди.

Бир куни қабулга ёзилганлар рўйхатини кўздан кечираётганда Москва билан тўғридан-тўғри уланган телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарар экан, “Сибир дарёлари сувининг бир қисмини Орол денгизига йўналтириш” бўйича режаларга бир гуруҳ олимлар томонидан салбий муносабат билдирилганини эшитиб бирданига кайфияти тушиб кетди ва менга юзланиб: Орол денгизининг сатҳи йилдан-йилга тушиб бораётгани, Марказ эса ҳар йили республиканинг пахта режасини ошириб бераётганига қарамай, масаланинг бундай ҳал қилиниши бизни жуда оғир аҳволга солиб қўяди, деди. Қабул давомида ҳам шу кайфият давом этди. Мен бу воқеани айрим одамларнинг: “Шароф Рашидов Орол денгизининг тақдирига эътиборсиз бўлган”, деган фикрларига жавоб тариқасида тилга олмоқдаман.

Шароф Рашидович қабул пайтлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда оламдан ўтиб кетган раҳбар ходимлар, атоқли зиёлиларнинг оила аъзоларига чуқур ҳурмат ва эҳтиром билдирар эди. Уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш, даволаш масалаларини ҳал қилиш, марҳумлар хотирасини абадийлаштириш, музейларини ташкил қилиш, таваллуд саналарини нишонлаш, китобларини чоп этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатарди. Масалан, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Комил Ёрматов каби атоқли ижодкорлар оила аъзоларининг турли илтимослари қаноатлантирилган.



*Суратда: ўн фарзанднинг онаси Ақидахон ая Шароф Рашидов ҳузурида.*

У киши ўзининг хайрли, саховатли ишлари билан халқ орасида катта ҳурматга сазовор бўлгани бежиз эмасди. Айниқса, даволаш ва ўқув масканларини замонавий талаблар асосида қайта қуриш, жиҳозлашга, ногиронлар ва уларнинг муаммоларига катта эътибор берарди. Қабул пайтида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти раиси Қудрат Примқулов томонидан кўтарилган масалаларга алоҳида аҳамият берилар эди. Бир куни Қудрат ака хайрлашиб чиқиб кетганидан сўнг Шароф Рашидович менга юзланиб: “Буларга бугун ёрдам бермасак, эртага ҳеч ким бизни кечирмайди”, деди.

Шароф Рашидович ижодий жараёндан мунтазам хабардор бўлиб борарди. Ижод аҳлининг кайфиятини чуқур ҳис этгани боис, давлат ишлари билан банд бўлишига қарамасдан уларни тез-тез қабул қилиб, муаммоларини ечишга доимо вақт топар эди. Ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, илм-фан, санъат ва маданият намояндалари билан мулоқотлар чоғида уларнинг ютуқлари билан бир қаторда мавжуд камчиликлардан ҳам бохабар бўлар ва муаммоларни ечиш бўйича ўз тавсияларини берарди. Суҳбатлар пайтида ижодкорлар чоп этишга тайёрланаётган китоблари, келажакдаги иш режалари бўйича ҳам Шароф Рашидович билан батафсил фикрлашиб олишар эди. Албатта, қабул пайтлари шахсий илтимослар ҳам бўлиб турарди. Илтимослар, асосан, китоблар нашрини тезлатиш, таваллуд саналарини нишонлаш, уй-жой шароитини яхшилаш билан боғлиқ бўларди. Шароф Рашидович, айниқса, истеъдодли ёшларга, уларнинг ижодий ўсишига доим катта эътибор берарди. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ҳам Шароф Рашидовнинг қабулларида кўп бўлган, ижодига нисбатан эътибор ва берган маслаҳатлари учун миннатдор бўлган эди.

“Ўтган кунлар” бадиий филмида Отабек образини яратган истеъдодли актёр Ўлмас Алихўжаев ўзаро суҳбатда шифохонада даволанганини айтганда Шароф Рашидович оталарча меҳр билан: “Ука, соғлиғингизга эътиборли бўлинг, ҳали ёшсиз, олдингизда қанчадан-қанча ўйналмаган ролларингиз бор. Қандай ёрдам керак бўлса, мурожаат қилинг. Туғма истеъдодингиз бор, уни камолга етказинг”, деб актёрнинг маҳоратига юқори баҳо берганди.

Фуқароларни қабул қилиш жараёнида айрим ижодий ташкилотлар ишидаги нуқсонлар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида шикоятлар бўлса, вазиятни зудлик билан атрофлича ўрганиб чиқиш ва ўша жойдаги муҳитни соғломлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланарди. Уларнинг бажарилишини назоратга олиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, ижодкор зиёлилар ва ижодий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ҳамиша Марказқўм котиби Оқил Умрзоқович Салимов бош-қош бўлар эди.

Шароф Рашидович нафақат республикада чоп этиладиган йирик газета ва журналлар, айни чоғда, имконияти чекланган фуқаролар учун мўлжалланган ахборот нашрлари фаолияти билан ҳам қизиқиб турарди. 1982 йилнинг феврал ойида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятининг “Бир сафда” – “В одном строю” журналлари муҳаррири Қ.Аҳмедов билан суҳбатда таҳририят амалга ошираётган ишлар юзасидан самимий миннатдорлик билдириб, дунёда ва республикада рўй бераётган жараёнларни ёритиш билан бир қаторда ногиронларни безовта қилаётган муаммолар хусусида ҳам кўпроқ ёзиш ва уларни бартараф этишда шижоатли бўлишга чақирган эди.

Шароф ака нашриётлар ва матбаа соҳасига ҳам алоҳида эътибор билан қарарди. Ижод аҳли, жонкуяр ноширлар билан учрашувларда соҳага доир муаммоларни таҳлил қилиб, китобат санъатини ривожлантириш юзасидан зарур топшириқлар берарди. У киши рус ва қардош халқлар адиблари билан ҳам яқин мулоқотда бўлиб турарди. Жумладан, москвалик адиб В.Чепкунов, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Ф.Муҳаммадиев ва бошқалар Шароф Рашидовга Тошкентда бўлган вақтида дўстона қабул қилингани, адабиётлар равнақи йўлидаги суҳбат ва маслаҳатлари учун миннатдорликларини изҳор этишган.

Шароф ака хизмат сафарлари давомида халқ билан тез-тез учрашиб турар ва буни ўзи учун устувор вазифалардан бири деб билар эди. Мазкур учрашувларнинг қатнашчилари баъзан қабулхонага келиб у киши хўжаликларида бўлганда ўтказган самимий суҳбатлари учун миннатдорлик билдирар ва мулоқот чоғида тилга олинган муаммолар ҳал этилганини етказиб қўйишни илтимос қилишарди.

Шароф Рашидов ҳаётнинг паст-баландини теран англаб етган, узоқни кўра билган камтар раҳбар эди. Шу сабабли ҳам қабул пайтлари асарларини саҳналаштириш, Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки тўғрисида хотира китоби ёзиш бўйича жуда кўп таклифларни рад қилиб, “кейин-кейин”, дер эдилар. Айримлар суҳбат асносида оила аъзолари ҳақида сўрашганда ҳам қисқа ва лўнда қилиб: “Ҳаммалари яхши, соғ-саломат юришибди”, деб қўя қоларди.

**Эргаш ИБРОҲИМОВ,**
**меҳнат фахрийси**

# ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ДАЪВАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи барча юртдошларимиз қатори биз ижодкорларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Жаҳоннинг энг катта минбаридан туриб айтилган эзгу фикрлар, эзгу мақсадлар ҳеч бир кишининг назаридан четда қолмаган бўлса керак. Мен ҳам бир ижодкор сифатида кўнглимдаги фикрлар билан ўртоқлашишни лозим топдим.

Шарқ халқлари азалдан оилани муқаддас, дунёга келган фарзандни эса Тангрининг туҳфаси деб билади. Халқимиз фарзанд тарбиясига ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Тарбияга фақат ота-она масъул бўлмай, қўни-қўшни, маҳалла-кўй, боғча-мактаб, олий ўқув юртлари бир хилда қайғуради. Минг афсуски, турли оқимлар, разил ғоялар, айниқса, ёшларни тўғри йўлдан оздирмоқда. Ёшлар билиб-билмай дину диёнати йўқларнинг алдовига ишониб қаттиқ адашмоқдалар. Биз ёш авлоднинг турли тузоқларга илинмаслиги учун ҳаракат қилишимиз керак.

Юртимизда ёшларга оид давлат дастури айни мана шу мақсадларда ишлаб чиқилган. Сир эмаски, кейинги йилларда дунёда терроризм таҳдидлари тобора кучайиб бормоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш ўзини оқламаяпти”. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни 30 ёшга етмаган ёшларнинг содир этаётгани эса ҳар бир кишини огоҳликка ундаши керак. Шунинг учун ҳам Президентимиз дунё минбаридан туриб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этди. Қабул қилинажак бу ҳужжат сайёрамизнинг 2 миллиард ёшларини инсоният тараққиёти, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида бирлаштиришга даъват этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”.**

Ислом дини ҳақ дин эканига асло шубҳа йўқ. Муқаддас динимиз кишиларни соф эътиқодга, тинчликка, ҳалоллик ва эзгуликка бошлайди. Бу дин ҳеч кимни зўравонликка ва қон тўкишга ундамайди. Давлатимиз раҳбари айтганидек, **“Биз муқаддас динимизни зўравонликка ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз”.** Бу сўзлар дунёмиз тинч бўлсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деб эртаю кеч дуо қиладиган халқнинг қалб амри сифатида жаҳон минбари орқали жаранглади.

Маълумки, мамлакатимиз раҳбари томонидан Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот ҳамда Тошкент шаҳрида Ислом цивилизацияси марказларини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий қарорлар қабул қилинди. Бу бир жиҳатдан ислом динининг муборак ғояларини ёшлар онгига чуқур сингдиришга қаратилган бўлса, яна бир жиҳатдан уларни улуғ аждодларимиз меросини ўрганишга ундашни ҳам кўзда тутганлиги билан аҳамиятлидир. Аслида ҳам бизнинг шундай боболаримиз бор, деган фахр туйғуси билан яшашнинг ўзи камлик қилади. Барчамиз ана шу ифтихорга муносиб аждодларимиз меросидан баҳраманд ҳам бўлишимиз керак. Президентимиз БМТ тарихида биринчи бўлиб ислом уламоси, улуғ бобомиз Имом Бухорий номи ва фаолияти ҳақида шунчаки сўзламадилар. Барчага маълум, “Саҳиҳи Бухорий” Қуръони каримдан кейинги энг муқаддас манба сифатида ислом оламида машҳур.

Шу маънода Президентимизнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чиққанлари ғоят аҳамиятлидир. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат”**. Бугун дунёнинг кўплаб юртларида ҳаттоки бошланғич таълим олишнинг ҳам имконини қила олмайдиганлар бор. Таълим-тарбия масаласи эса ҳар доим долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. Шу нуқтаи назардан, Юртбошимизнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилиш таклифи катта аҳамиятга эга. Айни шу таклифнинг жуда муҳим эканлигини жаҳон матбуоти ҳам эътироф этмоқда.

**Ғайрат МАЖИД,**
**Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари**

# ТАЛАБАЛАР ҚАСАМЁДИ

Сурур

Талабаликни умрнинг олтин лаҳзаларига менгзашади. Ҳаётнинг кичик синовидан ўтиб, толиби илм мақомига эришган йигит, қизлар олдида тинимсиз ўз устида ишлаш, илм йўлидаги машаққатларни сабот билан енгиш вазифаси туради.

Ёшлар ижод саройида ўтказилган “Талабаликка бағишлов” деб номланган маърифий тадбирда Ўзбекистон Миллий университетига қабул қилинган биринчи курс талабалари ушбу шарафли вазифани оқлашга тантанали қасамёд қилишди. Университет жамоаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ва ёшлар иштирок этган тадбирда ректор Авазжон Мараҳимов ҳаётида илк гўзал мақомга эришган ёшларни қутлаб, уларга рамзий талабалик гувоҳномасини топширди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али халқимизнинг ардоқли ёзувчи-шоирлари, етук олимлари шу муқаддас даргоҳдан етишиб чиққанини фахр билан тилга олиб, бу сафга қўшилаётган янги иқтидорлар ҳам келажакда ана шундай юрт учун ёниб яшайдиган фарзандлар бўлишига умид билдирди. Тадбирда сўз олган меҳмонлар Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида бутун дунёнинг келажаги улғайиб келаётган фарзандларининг қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқлигига алоҳида урғу берганини таъкидлаб, эртанинг эгаларига илм чўққиларини забт этиб, ҳамиша маънан юксак ва баркамол ёшлар қаторида бўлишни тиладилар.

Тадбирда республика Маънавият ва маърифат маркази Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий университети билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини имзолади. Унга кўра, йил давомида шоир ва ёзувчилар билан ижодий учрашувлар, янги китоблар тақдимоти, маърифий тадбирлар ўтказиб борилади.

“Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон” шиори остида университет миқёсида ўтказилган танлов ғолибларига диплом ва гулдасталар топширилди. Шоира қизларнинг лутф билан ўқилган шеърлари иштирокчиларни шеър завқига ошно этган бўлса, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, эстрада хонандалари ижросидаги шўх қўшиқлар барчани рақсга чорлади.

Талаба бўлишдек бахтга мушарраф бўлган, талабалик қасамёдини қабул қилган ёшлар, ўзлари баралла айтишганидек, ўз касбининг моҳир устаси каби эл-юрт равнақи йўлида фидокорона хизмат қилувчи, шу Ватанни ардоқлаб, кўз қорачиғидек асрайдиган фарзандлар бўлишларига тилакдошмиз.

**Вазира ИБРОҲИМОВА**

Алишер МУҚИМОВ

## ШУКРОНА

Қара, рангинкамонлар бизга муштоқ,
Муаттар бўстонлар бизга муштоқ.

Муҳаббат юртида билсанг яшаш бахт,
Қувонгин, меҳрибонлар бизга муштоқ.

Ватан ободдир, шукрона қилгин,
Саодатли замонлар бизга муштоқ.

Бугун ёшлар учун имконият кўп,
Ўқи, ол илм, шонлар бизга муштоқ.

Фақат меҳнат ила роҳат топарсан,
Фароғат тўла онлар бизга муштоқ.

Қанот ёзгин, баланд учмоққа шай бўл,
Алишер, осмонлар бизга муштоқ.

## МЎЪЖИЗА

Ой, десам ойнинг юзида доғи бор,
Гул, десам Бойсунда кўп гул боғи бор.

Жон, десам жондан азизроқсан менга,
Дил, десам олдингда кам ардоғи бор.

Борлигинг бир мўъжиза, балким бу бир
Туш, десам, афсус, тонг отмоғи бор.

Қўрқаман, Ширинга этмоққа қиёс,
Бесутундек йўлда меҳнат тоғи бор.

Билки, сенга ўхшамас ҳатто баҳор,
Чунки абру ёмғиру чақмоғи бор.

Йўлларингда қанча ошиқ интизор,
Васлинг истаб неча дил қийноғи бор.

Бир кўриб бўлди Алишер ошиғинг,
Энди сен деб ўзидан кечмоғи бор.

## ЭЙ, МУСАВВИР

Эй, мусаввир, ой юзидан доимий ғамни ўчир,
Ўрнида шундай табассум чизки, бўлсин беназир.

Унга боққан қалбларда доим уйғонсин умид,
Ғамзада диллар кулишни ўрганишсин-да ахир.

Шундайин кўзларни чизки, билмасин ҳеч ашк не,
Барини сўнг оналарга туҳфа қилгин бирма бир.

Жуфтини чиз яккаларни, яккалик бу сенга хос,
Ҳа, яшаш душвор дилдан жой бермай кимгадир.

Суратингда акс этганлар фақир бўлганда ҳам,
Шундайин бир ишқ инъом айлагин, бўлсин кабир.

Ёнида бир ёр чизки, бахт ҳадя айласин,
Неча йилдирким, Алишер кўнгли бунга мунтазир.

*Бойсун тумани*

Дилоромхон СОТВОЛДИЕВА

## СИРЛИ ДУГОНА

Бор гапимни айтиб олдим,
Берган ваъдам қайтиб олдим.
Сочларимни қайта тараб,
Мақтандим мен унга қараб.

У дугонам бақирмади,
Уйга кирсам чақирмади.
Боқмадим мен юрак ютиб,
Турмадим ҳам ойна тутиб.

Яхши бўлар энди ҳар кун,
Сиримни мен айтай ҳар тун.
Хафа бўлма сен Дурдона,
Топиб олдим бир дугона.

Нима қилсам сўз демас у,
Йўлларимга тўшар ёғду.
Майли, бўлса ҳам пинҳона,
Ойга бўлдим мен дугона.

## КИМСИЗ?

Ҳар кимнинг кўнглини ўртар бир савол,
Муаммодай боқсанг, гоҳи бу аҳвол,
Ҳаётнинг гулига айланган тенгсиз,
Қалбингиз тубида аслида кимсиз?

Тоғларда қувнаган оҳу ё жайрон,
Ёз фасли дўл ёғса, сиз нега ҳайрон?
Ниҳолга жон берар мустаҳкам илдиз,
Қалбингиз тубида аслида кимсиз?

Қалдирғоч айвонинг суйса ҳар баҳор,
Ариғинг сувига боқсанг тонг саҳар,
Сувлар туш сеҳридан қалқса тинимсиз,
Қалбингиз тубида аслида кимсиз?

Сиз тенгсиз борлиқда яралган тоғми,
Дўстмисиз, ё суйган кўнгилда боғми?
Дилором айлаган саволга жимсиз,
Қалбингиз тубида аслида кимсиз?

*Тошкент шаҳри*

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ

## БАХТЛИ ЮРТ

Қалбим тўлди олам қувончга,
Кўриб элим, бахт камолини.
Бор жонкуяр азиз инсонлар,
Яшнатмоқда юрт иқболини.

Тиним билмай яшар эл дея,
Эзгуликни асраган шулар.
Мустақиллик берган меҳрдан,
Ватан гўзал, обод кўнгиллар.

Аждодларнинг руҳин айлаб шод,
Юрт деб ёнар қалби дарё зот.
Яхшиларнинг муҳаббатидан,
Гўзалликка бурканди ҳаёт.

Истиқлолим берган қувончдан,
Ватан бўлгай, яшнаб зиёда.
Ўзбекистон, тараттин довруғ
Энг бахтли юрт бўлиб дунёда.

*Учкўприк тумани*




Сайиджалол ЗОКИРОВ

## ЗИЛОЛ ИРМОҚ

Зилол ирмоқ, оҳ, тоғдаги зилол ирмоқ,
Бокирам сен, хокисорим, зилол ирмоқ.

Қайга борсанг чаман бўлгай борган еринг,
Саховатда уммондан баркамол ирмоқ.

Тунда борсам юпанч излаб, уйқум қочиб,
Ойинангдан кулиб турар ҳилол, ирмоқ.

Ойга ошиқ бўлиб минг йил йиғлагандим,
Ҳадя этдинг менга минг бир висол, ирмоқ.

Гўзалсан-ки васлингта ҳеч қонмас кўнглим
Сендан йироқ кетмоқ менга малол, ирмоқ.

Зилол ирмоқ, кўкдан тушган зилол ирмоқ
Ҳимматингдан яшнагай ҳар ниҳол, ирмоқ.

Кўнглим истар учов мангу бўлсак ҳамроҳ,
Ул ҳилолу, сен – Зилол, мен – Жалол ирмоқ.

## ОЙГА ОШИҚ

Ҳилол яшар кўксимда менинг,
Юрагимни мудом тиғлайди.
Тиғи ўткир жуда ҳам унинг
Юрагим беомон йиғлайди.

Лекин ҳилол борар улғайиб,
У тўлишса тиғламай қўяр.
Тўлин ойдай кетса ёришиб
Юрагим ҳам йиғламай қўяр.

Ҳилол яшар кўксимда менинг...

*Марҳамат тумани*

Шаробиддин ҲАСАНОВ

## ТАЪЗИМ

Устозни отадай улуғ дейдилар,
Бу ҳикмат кунжида турфадир маъно.
Не буюк зотларни даҳо қилса ҳам,
Устоз ўз меҳнатин этмаган даъво.
Барчага бирдайин бергувчи таълим,
Тупроқдай хокисор устоз, муаллим.

Сўзлари ипакдай майин мулойим,
Янги узган нондай иссиқдир юзи.
Болалар тегрида болажон бўлиб
Қувончдан порпираб туради кўзи.
Феълида уйғундир: метинлик – ҳалим,
Орзулар йўлида сарбон муаллим.

Боғбонга ўхшайди “ниҳол” қошида,
Кунларни тунларга улаб парвона.
Ёки бир донишманд шифокор ҳаким
Қайда “касаллик” бор, енгар мардона.
Завол кўрмасин дер ҳеч ким, илоҳим,
Ниятлари нурдай покдир муаллим.

Ҳаёт – бу инсонга берилган неъмат,
Мазмунга бой бўлсин умр китоби.
Бесамар кечмагай қадрдон йиллар,
Доим ёдда турса устоз хитоби.
Пойида ҳамиша шогирдлар солим,
Шогирдларга ҳабиб, устоз, муаллим.

Ҳар кимнинг меҳнатин ўз ҳисоби бор,
Мақсадга етилар меҳнат, ранж билан.
Устозлар заҳматин Ҳазрат Навоий
Оқлаб бўлмас деган бойлик, ганж билан.
Ҳалол луқмам, — дейди, — новвоту болим,
Саховатда Ҳотам устоз, муаллим.

Устозлар шаънига алқов туганмас,
Қанча алёр айтгин, тўлмайди кўнгил.
Устозга садоқат кўрсатмоқ бўлсанг,
У айтган сафларда мустаҳкам тургил.
Ўйлари беғараз эзгулик доим,
Тилаклари улуғ устоз, муаллим.

Ҳаётда бор экан устоз деган зот,
Бор экан муаллим, мураббий Инсон.
Ёмонлик дилларни маҳв этолмагай,
Қалбларни тарк этмас покиза иймон.
Уларга минг раҳмат, уларга таъзим,
Бор бўлсин ҳамиша устоз, муаллим!

*Андижон шаҳри*

Исҳоқ ИСМОИЛОВ

## ЯНГИ ТОНГ

Ҳикоя

Эртасига Бердиқул ҳар галгидан эртароқ мактабга борди. Ҳали ҳеч ким келмаган, фаррош ҳам ҳаммаёқни тозалаб улгурмаган экан. Синфхонада ёлғиз ўтирар, худди бу хонани илк марта кўраётгандек ҳар бир жиҳозга бирма-бир разм солиб чиқарди. Қанча муаллимлар келиб-кетди бу даргоҳга. Қанча воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтди. Қолаверса, ҳаётида нимага эришган бўлса, шу мактабда эришди, нимани йўқотган бўлса ҳам шу жойда йўқотгандир, балки.

Бердиқул жимгина тушлик қиларди. Салима эрининг авзойига қараб иккиланиб турди-да, секингина:

— Ариза бердингизми? — деди.

Бердиқул оғзидаги луқмани ютиб олгач хотинига юзланди. Хотини унинг юзида ачинишга ўхшаш ифода кўрди. Эри жовдираб турди-да, кутилмаганда кўзига қалққан ёшни яшириш учун юзини тескари буриб:

— Топширдим, топ... – дея томоғига тиқилиб келган нарсадан каломи узилди. Салима ноқулай аҳволга тушди. Ўзи кейинги пайтларда эрининг асаби нозиклашиб қолган. У ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

Қайтиб кирганида эри ҳеч нарса бўлмагандек чойини ичар ёки ўзини атай шундай тутарди. Хотини жойига келиб ўтириб, эрининг гап бошлашини кутди.

Бердиқул кўп куттирмади:

— Бундай қилади деб ўйламовдим, — дея гап бошлади ахийри.

— Кимни айтяпсиз?

— Анави болани-да, директорни. Ўзимнинг ўқувчим...

— Нима қилди у сизга? Бир нима дедими?

— Ранжитадиган ҳеч нима демади-ю, аризамни берсам танишиб чиқиб, кўрамиз, деб қўйди, холос, — Бердиқул оҳиста ёстиққа ёнбошлади, кейин: — Назаримда, қувонгандаям бўлди-ёв, — деди.

Салима ҳам ўйланиб қолди. Директор қурмағур ёшлик қилдимикан? Асли ўзиям сал бадқовоқроқ-да. Кўнгил учун, номига бўлсаям, ишлайверинг домла, деб қўйса бўларди.

Бердиқул бошини кафтига қўйиб, кўз юмиб ўтирарди: мудраяптими, ўйлаяптими, хотини билолмади.

Салима ўрнидан туриб тахмондан бўғчани олди. Дераза томонга ўтиб жойлашди. Бўғчадан янги кўрпача чиқариб, тикишга тутинди. Аёлнинг ҳам кўзлари эриники каби хиралашган, аммо эрининг кўзойнаги унга тўғри келмагач, шаҳардаги ўғли кўзига мос кўзойнак топиб келгунча бичиш-тикиш учун ёруғ жой керак. Уй қиладиган бир ўғил, бир қизи бор ҳали. Бунинг устига эри ҳам нафақага чиқадиган бўлиб турибди.

Бердиқул ухламаган экан, хотинига гап қотди:

— Эртага мактабга борай, аризамни қайтариб оламан.

Салима чўчиб тушди. Ўзи қайсар эри шу гапни айтиб қолмасайди, деган хавотирда эди. Энсаси қотиб:

— Нима бўлди яна? — деди.

— Ўтириб-ўтириб алам қиляпти. Мендан қутулолмай юрган экан-да. Қутулиб бўпти. Аризамни қайтариб оламан.

— Сизга нима бўлган ўзи, директорга аччиқ қиляпсизми?

— Бўлмаса кимга?

— Нима, энди оёғингизга йиқилсинми у бечора. Ташвиши кўп одам, сиз билан валақлашиб ўтиришга вақти йўқдир.

— Бўлмаса нега қувонади?

Салима матога санчиб қўйган жуволдизни олиб, ип ўтказишга уринар экан:

— Қувонса озгина қувонгандир, ҳеч нарса қилмайди, уям ишининг пухта бўлишини кўзлайди, — деди.

— Нима, мен ишимни чала қилибманми?

Салима жим қолди, сўнг журъатини жамлаб:

— Журналга қўйган баҳонгиз катакдан чиқиб кетармиш-ку, — деди.

Бердиқул сергак тортди:

— Сенга буни ким айта қолди?

— Айтди-да.

Бердиқул ўйлаб қолди, журнални бузгани хотинигача етиб келибдими, демак бу ёғи... Янгича педагогик технология, ҳисоботлар, бошқа ислоҳотлар Бердиқулга ўхшаганларни қийнаб қўйгани рост. Кўп нарсаларга тиши ўтмай қолди кейинги пайтда.

— Пенсиядан кейин ҳам бир йил ишладингиз, — юпатувчи оҳангда гап бошлади Салима. — Бўлди-да, энди. Соғлигингиз ҳам жойидамас. Аризани қайтариб олиб, яна ишласангиз болалирингиз аччиқланиб қолишади. Сизга ҳеч нарса демай, менга келиб минғирлашади.

— Манави болани уйлантириш керак, эсингда борми? — деб баҳона қилди Бердиқул. — Қизинг ҳам ҳали ўқишини тугатмади.

— Буёғи жуда сизга қараб қолгани йўқ. Катта болаларингиз бор, ўртада бир гап бўлар. Тоза бекор қолишдан қўрқсангиз, ана, Шуҳратингизнинг олган ерига чиқарсиз, ўзингиз бош бўлиб ишлатарсиз.

— Ҳа, мендан жуда зўр деҳқон чиқади-да. Фе-ермер!

Бирин-кетин муаллимлар кела бошлашди. Ариза берганидан хабар топишган, шекилли, Бердиқул билан одатдагидан ўзгачароқ муомала қилишди.

Қўнғироқ чалиниб, дарс бошланди. Шу пайт директор Бердиқулни чақириб янги муаллим келгунича ишлаб туришини илтимос қилди.

— Уни танийманми?

— Танийсиз, домла. Салим аканинг ўғли-да, ўзингиз ўқитгансиз.

— Ҳа-я, ҳалиги, Каримми-ей...

— Ўша. Ҳозир қўшни қишлоқда ишлаб турибди. Отаси айтиб қўйганди. Жой бўлса олсангиз, деб.

Шу суҳбатдан сўнг Бердиқул аризасини қайтариб олишга ботинолмай қолди.

Кунлар ўтарди. Бердиқул ариза ёзганидан сўнг гўё бошқа бир йўлга ўтиб қолгандек сезарди ўзини. Ён-атрофи нотаниш, олиб борар манзили мавҳумдек. Унга юрагининг бир парчаси узилиб кетаётгандек туюлар, қандай чора кўришни билмасди. Директор яна чақиртириб, Каримнинг келиши тайин бўлганини айтди: “Нариги ойдан бошлаб ишлайверади”, деди.

Демак, Бердиқул ҳозирлигини кўриши керак. Касаба уюшмаси раиси: “Биринчи ўқиш кунига йиғилиш тайин қилдик домла, ўшанда сизга ҳам сўз берилади. Шунга, сўзларингизни ўйлаб қўяверинг. Шошиб қолмайсиз-да”, деди.

Уйидагилар ҳам унинг кўнглига қараб иш тута бошлашгани Бердиқулга сезилди. Хотини ҳам камгап, мулойим эди. Афтидан, ҳамма унинг яна айниб қолишидан ҳадиксирарди. Аммо энди ғишт қолипдан кўчганди. Аризани қайтаришнинг фурсати ўтди. Бердиқул энди ишдан кетиш тадоригини кўра бошлади. Йиғилишда айтадиган сўзларини қоғозга тушириб қўйса маъқул бўлармиди?..

Бир кеча қоғоз олиб хонтахта четига ўтирди, узоқ хаёл суриб ҳеч нарса ёзолмагач, шунга амин бўлдики, у бугун муаллимлик фаолияти давридаги энг қийин “конспект”га дуч келибди. Вақт ҳам алламаҳал бўлди. Жимжит хонага ташқаридаги том бўғотидан чакиллаб томаётган томчилар товуши эшитила бошлади. Ёмғир ёғяпти. Ҳа, бу ҳолат Бердиқулга беихтиёр ўтмишини эслатди. Ўша, биринчи иш кунини. Айнан ўша куни ҳам ёмғир ёғаётганди, устида балонли плаш бор эди. Шунақасидан кийиш расм эди.

Йиғилишда нима деб гапирса экан? У қоғозни олиб хаёлида айланган узуқ-юлуқ фикрларни оққа туширишга уринди: “Муаллимлик фақат касб эмас, у тақдир. Агар муаллим маош учун ишласа, яхшиси ишламай қўяқоларди...”. Бу сатрларни бежиз битмади. Ўтмишдаги бир нохуш суҳбат ёдига тушиб ёзди буни. Ўқувчилардан бири унга шундай деганди: “Сиз мени ўқитганингиз учун ойлик оласиз”. Ўшанда бу гап юрагига наштардек санчилган. Оғриғи бир умрга етгулик бу жароҳат шу топда кўксини яна безовта қилди. Бердиқул қоғозни нари суриб деразага термулди, аста-секин ёришаётган борлиққа қаради. Ана, Бердиқулни ҳар куни ишга етаклайдиган салқин, оппоқ тонглардан яна бири оҳиста юз кўрсатмоқда.

Ниҳоят, ўша кун етиб келди. Устозни нафақага кузатиш учун ҳамма мактаб ҳовлисига тўпланди. У йиғилишни бошқача тасаввур қилганди. Наздида бу фавқулодда муҳим бир йиғилиш бўлиши, барчанинг нигоҳи фақат Бердиқулгагина қадалиши, ҳавода чивин учса билингудек жимжитлик ҳукмронлик қилиши керак эди. Йўқ, негадир ундай бўлмади. Ҳар галги оддий йиғилишлардан бири. Доимгидек, ўқувчилар бепарвогина тик туришибди. Муаллимлар ҳам одатдагидек. Сўз олганлар ҳамкасбларининг ибратли иш фаолияти тўғрисида гапиришди. Ниҳоят, унга ҳам сўз берилди.

Бердиқул айтадиган гапларини хаёлида пишитиб қўйганди. Кириш қисмини айтди-ю, кейин таққа тўхтаб қолди. Айтмоқчи бўлганлари эсидан чиқди-қўйди. Қаршисида турган ўқувчиларнинг нигоҳи уни чалғитди чоғи. Бердиқул гапини узиб қўйган паллада ҳалиги ўзи тасаввур қилган ҳолат юз берди: ҳамманинг нигоҳи унга қадалди, атроф бирдан жимжит бўлиб қолди. Энди умуман гапира олмаслигини тушунди. Ўқувчиларнинг беғубор нигоҳи Бердиқулга узоқ ўтмишни, янги ишга келган пайтини эслатди. Ўша чоғларда ҳам бу кўзлар чақноқ ва беғубор эди. Бундан Бердиқул бир хулоса чиқарди: мактабда ўқувчилар ўзгармайди, аммо муаллим қарир экан. Бердиқулнинг кўзида ёш қалқиди.

Йиғилиш тугади. Бердиқул даврадан даста-даста гуллар кўтариб чиқди. Гулларнинг орасида ўзи ёқтирадиган чиннигуллар кўп экан.

У зал бўйлаб бораётиб, қаршисидан келаётган ёш муаллимга кўзи тушди. Бу ўша Карим бўлса керак. “Ё тавба”, деб юборди Бердиқул. Сабаби, Карим кўринишидан бундан ўттиз беш йил бурунги Бердиқулнинг ўзгинаси эди. Ҳозир расм бўлмаса-да, эгнида балонли плаш, бўйнида рангдор юлдузчалари бор бўйинбоғ. “Тавба, — ўйлади яна, — бу бола плашни қаердан олибди? Бўйинбоғининг ҳам меникига ўхшагани-чи... Пўрим кийинишга уқувсизлиги-чи...” Карим келиб устоз билан қўл бериб сўрашди. Бўйи калтагина, ўзи уятчан, содда, тортинчоққина, юзи отасиникига ўхшаш, кўзлари қийиқ, бурундор.

Бердиқул бу йигитга нисбатан самимий хайрихоҳлик ҳиссини туйди. Кўнгли ёришди. Гиналаридан асар қолмади. Ҳазиломуз насиҳат қилди: “Каримбой ўғлим, агар-да сенга бирорта маҳмадана бола, мени ўқитганингиз учун маош оласиз деса, парво қилма, кўнглингга ҳам олиб юрма. Бу асли бўлмаган гап”.

Сўнг эса:

— Чиннигулга таъбинг қалай? — деб сўради.

— Домла, тушунмадим, — саволомуз тикилди Карим.

— Чиннигулни ёқтирасанми? — такрорлади устоз.

— Ёқтираман.

— Унда ма, ол! — Бердиқул гулдасталар орасидан бир нечта чиннигулни суғуриб олиб Каримга узатди...

Бу тун ҳам Бердиқулнинг кўзларидан уйқу қочди. Тонг отса қандай қилиб қадрдон мактабига бормаслигини тасаввур қилолмасди. Юраги сиқилди. “Бу тонг меники эмас, — дея ўйлади. — Ҳа, энди буниси Карим ўғлимга тегишли. Бу тонг, шубҳасиз, унинг тонги бўлади”. Шундан сўнг кўнгли тонг каби оқара бошлади.

*Ғаллаорол тумани*

Адабий жараён

# ТАФАККУР ШАКЛЛАРИ

**Абдували ТошДУнинг журналистика факултетини 1983 йили тугатди. У жуда эрта шеър ва бадиий сўз билан ошно тутинди, халқ термалари, сўз шоввалари ичида онги ва бадиий диди шаклланди. Биринчи китоби "Найсон" 28 ёшида чиқди. Ўша вақтлар бир қатор ҳикматпеша шоирлар китобларига "Ҳулво", "Аёлғу", "Роз", "Ибтидо", "Сувайдо" сингари одамни лол қолдирадиган номлар беришар, чамаси, тарих архаикасидан томирлари ва шаклларини қидиришарди.**

Абдували Қутбиддин ҳам илк китобини "Найсон" деб номлади. Бундан ўн етти йил илгари Фахриёрнинг "Аёлғу" деган шеърий китоби чиққанда, мутафаккир адиб ва танқидчи Аҳмад Аъзам: "Аёлғу" – ғаройиб сўз: тарихнинг оҳанги келади... Ҳамма маъноси равон, таниш-тушунарли бўлган музайян сўз – аслида шеър эмас, шунчаки уқтириш...", деб ёзганди. Бу сўзларнинг Абдували Қутбиддин шеърларига ҳам анча дахли бор. "Найсон" билан 2011 йили нашр этилган "Бор" сараланма китоби орасида "Ҳумо", "Бахтли йил", "Хаёл Кечаси", "Сен ва сен учун", "Узоқдан олисга" китоблари чиқди. Эллик ёши арафасида у "Дўстлик" ордени, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" деган унвон билан тақдирланди.

Абдували Қутбиддин университетда ўқиб юрган кезлари шеърларини олиб келиб чуқур ҳаяжон ичида тўлиқиб ўқиб берарди. Унинг шеърлари ҳеч кимникига ўхшамаганидек, ўқиши ҳам тамомила ўзгача, бошқа бировнинг ўқишига ўхшамасди. Абдували адабиётимизда янги деб аталган шеъриятни бошлаганлардан эди. Янгилик шаклларда ҳам, мазмун-мундарижани ифодалашда ҳам, лексика ва синтаксисда ҳам, шеърий воситалардан фойдаланишда ҳам аниқ кўзга ташланарди.

Абдували сўзни чин бозингар каби ўйнатади. Сўз шеърнинг тасвир предметига айланади. Сўз бадиий тасвирнинг чинакам манбаи. Сўз — образ. Бу имажинизм-ку дейишингиз мумкин. Ҳа, таъбир кўтарса, имажинизм. Лекин ҳаммаси шоир шахсининг бадиий интуицияси билан боғланган ва шеърий тил тараққиётида импрессионизм қадар кўтарилиб боради. Ижодкор сўз ва оҳанг гўзаллигини, шеърий сатрнинг ноёблигини, ижодкор сўз ва оҳанг гўзаллигини, шеърий сатрнинг ноёблигини гўзаллик шайдоси даражасида англайди ва ҳис қилади. Абдувалининг Ҳофиз Шерозийнинг машҳур гўзал иборасига иқтибосан ёзилган шеъридан дастлабки икки сатр: *"Соҳибдилим – дилоро, Аййит, тўхтасин карвон"*... Сиз ўйлайсизки, шоир билмайдими "айт" деб ёзишни. Бўғин тўлдиришнинг бошқа йўлини билмайдими? Гап шундаки, шоир бу сўзни ўқиётганда узоқ чўзиб талаффуз қилади. Зотан, унинг ўз шеърий техникасига индивидуалистик нуқтаи назари бор. "Аййит" узоқ сўлиш билан талаффуз этиларкан. У кейинги икки сатрдаги *най, қуюн, эна, биёбон* сўз-образлари билан ажиб бир тарзда ҳамоҳанглик топади. Қуюннинг най каби овозига ушбу "аййит" тўла оҳангдош: *"Най пуфлаган қуюннинг энасими биёбон"*. У жумлага савол аломати қўймаяпти. Лекин фикрини саволомуз тасдиқлаяпти ва бу ерда бешта тушунча-образга мурожаат қилаяпти. У тақдир йўли, карвон йўлидаги койиш, озорлар, қувонч-надоматлар ҳақидаги шеърини *"Ҳофиз эмасман ишқда Абдувалиман гўё"*, деб якунлайди. Неча асрлар орада ўтса ҳамки, ҳамон Ҳофиз карвонлари ўтган йўллардан бораётганлигини, ўша тарихий карвонларга эргашаётганлигини шундай ифодалайди. Шеър охирига бирдан *гўё* деган сўзни қўяди Ҳаёт бор, карвон бор, ишқ бор. Аммо бари мисли гўё. Абдувалининг ўзи ҳам Ҳофиз ёки унинг сеҳрсоз байти каби ҳали тарихий реалликка айланмаган, У тамомила гўё ҳолатида. Абдувалининг мана шу "Бор" деб аталган шеърий китоби ҳам бошдан охиригача шу сирли ГЎЁ устига қурилгандай таассурот қолдиради. Ҳамма нарсалар шу ГЎЁ мақомида. Гўё, бу — мубҳамлик, мавҳумлик тимсоли. Зеро, шоирнинг фалсафасида борлиқ, бу – гўёликдир.



Гўёлик фалсафасини Абдували анча чуқур ишлаган, бу унинг оригинал фалсафаси: сермашмаша, савдойи оламнинг қурилиш бисотига бир қараш. Китобнинг сарлавҳасидаги сўзларни биз: "Абдували Қутбиддин бор" деб ўқиймиз. Бу тугалланган поэтик жумла Шахс ўзининг дунёда борлигини тасдиқлаяпти.

Шеърни мураккаблаштиришнинг нима кераги бор? Бадиий содда, тўғри ёзишнинг ўзи кифоя қилмайдими? Бадиий мураккаблаштириш янгича бадиий тафаккурга интилиш, янги олам, янги ифода яратиш мақсадидан туғилмасмикан? Бадиий мураккабликни теранлик, кашфиётчилик белгиси деб қараш тўғри бўлмасмикан?

**Мен шоир эмасман, мен бир фирибгар,**
**Мен фолбин эмасман,**
**Мен Абдували...**

Бу кучли ҳаяжон, эпатаж билан айтилган фикрлар. Ҳар ким ҳам бунга журъат қилавермайди. Бу ерда *фирибгарман* дегани *шеърбозман* деган таърифининг жуда кучли синоними. Йирик тилшунос олим Тўра Нафасовнинг «Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати" номли ноёб китобида *фириб* сўзига *фирибчи, устомон* деб изоҳ берилган ва "Фирибчидан фирибнинг ўзи қўрқади" деган мақол келтирилган. Шоир *фирибгарман* деганда найрангбозликни назарда тутмайди, балки бадиий шартлиликлар, рамзлар, семантик, стилистик товланишлар устасини назарда тутади. Кузатилган бир аён ҳақиқат шуки, унинг шеърий нутқ оқими мантиққа бўйсунмайди: мисралар, бандлар, сўз қурилмалари ўз мантиқи билан яшайди. Шоир дунё уфқларини ром этаоладиган чилтори бўлишини орзу қилади. Бу чилторни Яшинқуш келтиради, деб ишонади. Ҳозирча орзудаги бу чилтор унинг қўлига кирмаган, шу чилтор эгаси бўлгунича у ўзини "фирибгар" деб ҳисоблайди. Ўзини шоир деб аташга лойиқ кўрмайди. Аммо шеърда ҳозирча ўз номини тасдиқлаяпти, холос. Бизни қуршаган ҳаёт осон эмас, ўта мураккаб: инсон муносабатлари ҳам, инсоннинг дунёга муносабати ҳам, дунёдан кутадигани, дунёга талаби ҳам ҳеч қачон осон бўлмаган. Осон бўлиб кўринган нарсалар тагида ақлни лол қолдирадиган чигалликлар ётади. Яъни мавжудликнинг, мавжуд бўлишнинг ўзи чигал. Абдувалининг бошқалардан фарқли томони шу чигалликларни теран ва инжиқ ҳис қилишида. Теран англайди. Ечим беролмаслик ёки ечим тополмасликнинг драматик перипетияларини тушунган ҳолда яна шеърга мурожаат қилади, ечимлар ўрнига кўтаринки декларациялар, "Озодлик" достонида бўлгани каби, чексиз риторик хитобларни ўртага ташлайди. Аммо риторик хитобларнинг вазифаси маълум: улар охироқибат "Яшасин!" билан тугайди. Яна шундай шеърлари ҳам учрайдики, уларда лексика, фикр ва туйғу зўриқаётгани аён сезилади. Шоир кузатган маънони англаш мушкул кечади. Қизиғи шундаки, бундай хаёлий мубҳам шеърларни овоз чиқариб, оҳангга солиб ўқимоқчи бўлсангиз, бирон нарсани тушуниб илғаб олишга иложсиз қоласиз. Эсимда бор: Фахриёр "Ёзиқ" деган жуда мураккаб достонининг тагига: "Овоз чиқариб ўқимаслик шарти билан" деб писанда қилиб қўйган эди. Ҳақиқатан овоз чиқариб декламация қила бошласангиз, диққатингизни жам қилолмай чувалашиб қоласиз.

Шоирнинг ўзи учун суюкли ва қимматли Осима деган аёлга қарата ёзилган бир қатор шеърларида сирли оҳанглар худди ёниб бўлган гулханнинг уюлган чўғларидан кўтарилаётган қайноқ ҳовурнинг тафти одамни куйдиради, ўйлантиради. Ўқувчи ҳеч билолмайди Осима ким? У Пушкиннинг Наталиси, Усмон Носирнинг Насимаси, Некрасовнинг Зинаси каби халоскор бир паривашми, телба дунёнинг севги маъбудасими? Шоир ўзини англаш ва қайта баҳолашга эҳтиёж туғилганда, Осимага мурожаат қилади. Осима исмининг ўзи ҳам жуда шоирона эшитилади. Гар бу ном ўрнига мисол учун Нозима ё Дилноза деб битилса, унда аниқки, шоирнинг хитоблари ўз романтикаси сururидан маҳрум бўлади. Исмда синоат бор. Абдували эса шеър синоатларини аъло билади. "Сўз" деб аталган шеър шундай бошланади:

**Осима –**
**Ёлғизим, сен ундай дема,**
**Дастурхон четида қолдиргин меҳр**

Икки шахс ўртасидаги муомалага конфликт оралаган. Аммо Осима дастурхон тепасида маҳрамга нима деганлиги билдирилмайди. Осима балки орага совуқчилик тушганлиги ёки дастурхон тобора қуруқ бўлиб бораётганлигидан нолигандир. Шоир ўзи ёлғизим деб эркалаётган аёлдан меҳр кутишга ҳақли.

Мана бу мисраларда Осиманинг шоир ҳаётидаги ўрни аёнлашади:

**Талъатинг –**
**Кўрлигим ёритсин аён,**
**Ишқни соябондай тутай қўлимга,**
**Сенга дил арзини қилайин баён:**
**Бебаҳо сўз қўяй соқов тилимга...**

Бу бандда "ишқни соябондай тутай қўлимга" деган фикр устида ўйлаcaсиз: ишқни соябон қилиш ва уни қўлда тутиш имкони бормикан, тилга бебаҳо сўз қўйишлик-чи? Бу ерда "қўймоқ" феъли жуда катта журъат билан қўллангандай туюлади. Лекин шеърнинг шоҳ сатрлари кейинги бандда келади. Биз шунинг учун унга батафсилроқ тўхталаяпмиз:

**Бошқаман,**
**Мутлақо чекмайман афсус.**
**Юракни отаман чинни лаганга,**
**Яна бир севаман.**
**Алалхусус –**
**Исмимни айтаман қамашганларга...**

"Бошқаман" деган сўз жуда ўткир эътироф каби эшитилади. Бу ўз йўлимдан юраман, ўз сўзимни айтаман, ўз шеърий системамни яратаман дегани. Ҳақиқатан ҳам Абдували Қутбиддин шеърияти бошқачаликда танҳо. Унинг шеърий ютуқлари бошқача бўлганидек. Мавҳумликлари ҳам ўзига хос. "Бошқачаман" деганига тўла ишонамиз ва соф алогизм бўлиб туюладиган ҳодисаларнинг мағзини англагандай бўламиз. Мантиқини йўқотган ташбеҳлар ва мажозлар бу декларациядан сўнг ўз қонуний ва табиий ўрнига эга бўлгандай англанади...

Абдувалининг шеърларини тушуниш ва улардан завқланиш учун унинг ҳолатига киришга тўғри келади.

Одамнинг хаёлига бир ғалати савол келади: бу каби шеърларнинг ўзи унга тўла тушунарлими? Бу жуда жиддий ижодий масала. Мен шеърларни асло тушунарсиз демайман. Мен тушунишга тайёргарлигимиз борми, дейман. У, мана мен борман, дейди ва бор тушунчасига шоирона ва инсоний, фалсафий маънолар юклайди. Сиз билан бизни юлдузлар туғиладиган онларда йўлга тушишга ундайди ва олмос шамчироқ ёруғида сўз мулкларида мангу оҳанглар ёр бўлишига чақиради.

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Хотира



Дўстимиз, ҳассос шоир, мутаржим, ношир, камтарин инсон Усмон Қўчқор айни ижодий балоғат ёшида ёруғ оламни тарк этди. Ҳали режалари кўп эди, охирига етмаган шеърий туркумлари, достонлари, таржималари иш столида қолди. У ҳали яшаса, беармон ижод қилса, фарзандлари, набиралари орзу-ҳавасини кўриб, уларнинг тотли ташвишлари ила елиб-югурса бўларди...

Усмон Қўчқор 1953 йил 5 июлда Бухоройи шарифнинг шариф фарзандлари дунёга келган Шофиркон туманида таваллуд топди. Адабиётга, шеъриятга бўлган ҳавас этагидан тутиб, 17 ёшида она қишлоғи Новабошидан олис йўлга отланди. Тошкентда таҳсил олди. Бир муддат Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилди ва муайян сабабларга кўра яна Шофирконга, она қишлоғига қайтди. Ўрта мактабда она тили ва адабиётидан дарс берди. Бироқ адабиётнинг сеҳир олами, ижодкор дўстлар давраси уни яна пойтахтга чорлади. У янги куч-ғайрат ва илҳом билан ижод оламига шўнғиди.

Биринчи шеърий тўплами "Ҳаяжонга кўмилган дунё" (1982) номи билан чоп этилди. Сўнгра "Акссиз садолар" (1986), "Уйқудаги минора" (1987), "Оғир карвон" (1991) каби шеърий мажмуалари, "Чамангул" (1989) эртак-достони, "Широқ" (1997) ривоят-достони дунёга келди.

Усмон Қўчқорнинг «Оғир карвон» номли шеърий тўпламига кирган шеърлари инсон руҳияти, руҳий олами, маънавияти ҳақида битилган гоҳ қасида, гоҳ памфлет бўлиб янграйди. "Қувғин" достонида шоир қатағон даври изтироблари ва аламлари ҳақида ҳикоя қилади. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон инсон бўлиб қолиши, ўз феъли-табиатидаги юксак одамийлик жиҳатларини намоён этиши керак. Ана шу эзгуликка, олижанобликка йўғрилган омил инсон характерида бекиёс қадрият эканини тасдиқлайди.

Шоир таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилди. У қардош озарбайжон адабиётидан Насимий, Ҳусайн Жовид, Юсуф Самад ўғли, Анор, Собир Рустамхонли, Ҳидоят асарларини маҳорат билан она тилимизга ўгирди. У "Ўзбекистон", "Чўлпон", Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда "Маънавият" нашриётларида, "Ёшлик", "Жаҳон адабиёти" журналларида хизмат қилиб, ўзининг бутун қалб қўри ва кўз нурини миллий адабиётимиз ривожига бахшида этди. Қайси ижодий жамоада ишламасин, ўзининг олижаноб инсоний фазилатлари, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, меҳр-оқибати билан ҳамкасблари қалбидан жой олди, жамоатчилик ҳурмат-эътиборини қозонди. У бир шеърида инсон умри моҳияти ҳақида сўз юритиб шундай сатрларни битган эди:

**Кел, бу айшни кўрайлик баҳам,**
**Дея қўйманг бизга қил тузоқ.**
**Ҳали бошқа дунёларга ҳам**
**Боришимиз керак...**
**Йўл узоқ...**

У ўз ҳаёт йўлини мардона босиб ўтди.

Шоир бугун орамизда йўқ. Бироқ у бетакрор асарлари билан мухлислари, ёру дўстлари, фарзандлари қалбида яшашда давом этади.

Азиз дўстимизнинг охирати обод бўлсин.

**Орзиқул ЭРГАШ,**
**Рустам МУСУРМОН**

# МУТОЛАА СЕҲРИ

## Чингиз Айтматовнинг янги нашр этилган "Танланган асарлар" тўпламини ўқиб

**Мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган шиддатли ўзгаришларнинг ғоявий-ҳуқуқий асоси бўлмиш мазкур дастурий ҳужжат ташаббускори ва муаллифи Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, аввалambор, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январда имзоланган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши ҳамда шу йил 13 сентябрда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўз навбатида, Президентимизнинг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида"ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Бинобарин, пойтахтимиз марказида Адиблар хиёбонига асос солиниши маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштиришда улкан ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари илгари сураётган китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ғояси кишидан чинакам маънавиятли ва маърифатли бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бугун китобга эҳтиёжимиз, китобхонликка эса эътиборимиз кучли.

Энг муҳими, Президентимиз бу соҳада ҳам барчамизга амалда ўрнак ва намуна бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз раҳбари ўзининг илк хорижий ташрифини Туркманистонга уюштирган ва ўшанда Президент Гурбангули Бердимуҳамедовга улуғ туркман шоири Махтумқулининг шеърий сайланмасини туҳфа этганди.

Бу маърифий анъана кейинги олий даражадаги ташрифлар доирасида ҳам давом этди. Давлатимиз раҳбари томонидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга – И.Савицкий номидаги давлат санъат музейининг дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган бебаҳо экспонатларига бағишланган "Саҳродаги Лувр" альбом-китоби совға қилинган бўлса, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга ўзининг қаламига мансуб "Давлат бошқаруви тўғрисида" номли китобининг ўзбекча нашри, шунингдек, Нурсултон Назарбоевга Қозоғистон Президентининг ўзбек тилида чоп этилган "XXI аср бўсағасида" китоби тақдим этилди.




Президентимиз жорий йил сентябрь ойининг бошида Қирғизистон Республикасига амалга оширган тарихий давлат ташрифи чоғида Президент Алмазбек Атамбоевга ҳам китоб совға қилди. Бу – улуғ қирғиз адиби ва машҳур жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг "Танланган асарлар" нашридир.

Китобга мамлакатимиз раҳбари "Ўзбек халқининг улкан ва ардоқли дўсти" номли кириш сўзи ёзган. Унда, хусусан, шундай самимий фикрлар бор: "Ўзбекистонда бу улуғ ижодкорнинг китоблари кириб бормаган бирор хонадонни, унинг гўзал қисса ва романларини ўқимаган, улар асосида яратилган кинофильмларни томоша қилмаган бирон-бир кишини топиш қийин, десак, адашмаган бўламиз. У нафақат қирғиз халқи, айни пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва суюкли сиймо, десак, бу ҳам айни ҳақиқатдир".

Чиндан ҳам, биз улуғ қирғиз адибининг аксарият асарларини ўз она тилимизда анчадан буён қайта-қайта мутолаа қилиб келмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Зеро, шундай асарлар борки, уларни яна ва яна мутолаа қилгинг, адиб гавдалантирган қаҳрамонлар билан эски қадрдон дўстинг билан учрашгандек қувочни ҳис этгинг, камтар ва софдил қўшнинг каби ўша оддий одамларнинг ўзингга таниш кўринган ҳам мароқли, ҳам изтиробли турмуши оламига шўнғигинг келади.

XX асрнинг энг машҳур ёзувчиларидан ҳисобланган буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг қисса ва романлари ана шундай китоблар сирасига киради. Шу ўринда фақат кейинги 3-4 йил ичидагина мамлакатимиз нашриётларида адибнинг ўнлаб китоблари чоп этилгани диққатни тортади. Мисол учун, 2014 йили "Қулаётган тоғлар", "Қиёмат", "Соҳил ёқалаб чопаётган олапар", "Эрта қайтган турналар", 2015 йили "Жамила", "Юзма-юз", "Оқ кема", 2016 йили "Асрни қаритган кун", "Танланган асарлар" номли китоблари нашрдан чиқди.

Айниқса, 2015 йилда ёзувчининг олти жилдли "Тўла асарлар тўплами" нашр этилгани ўзбек китобхонлари учун ажойиб туҳфа бўлди. Бу асарларни таржима қилишда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев каби етакчи таржимонларнинг юксак маҳорати ва фидойиларча амалга оширган ижодий меҳнати таҳсинга лойиқ.

Чингиз Айтматовнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти 2017 йилда босмадан чиқарган "Танланган асарлар" китобига тўхталар эканмиз, аввало, янги тўпламнинг алоҳида уч жиҳатига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Чингиз Айтматовнинг мамлакатимиз ҳудудида чоп этилган асарлари орасида илк бор ушбу китобга Ўзбекистон Президенти кириш сўзи ёзган.

Иккинчидан, улуғ ёзувчининг барча қиссалари биринчи маротаба ягона муқова остида мукаммал тарзда жамланган бўлиб, улар ёзувчининг ўзи тартиб бергандек жойлаштирилган.

Учинчидан, тўпламдаги деярли барча қиссаларни битта таржимон – моҳир мутаржим ва таниқли адабиётшунос олим Асил Рашидов ўзбек тилига ўгирган. Китобдан жой олган ўнта қиссадан бири, яъни "Соҳил ёқалаб чопаётган олапар" асари машҳур таржимон ва олим Маҳкам Маҳмудов билан ижодий ҳамкорликда таржима қилинган.

Китобни нашрга тайёрлаган сўзбоши муаллифи – иқтидорли шоир ва таржимон Вафо Файзуллоҳ таъкидлаганидек, ушбу қиссалар тўпламини қўлга олган китобхонга ҳавас қилса арзийди: "Зеро, Чингиз Айтматовнинг улуғ қиссалари мутолааси ҳар сафар қалбларни янгидан сурурга тўлдиради".

Чингиз Айтматов ҳаётнинг энг жумбоқли сирлари тагига етишга ҳаракат қилади, замонаси ўртага кўндаланг қўйган кескин муаммоларни четлаб ўтмайди, балки улар билан юзма-юз туради. Шу нуқтаи назардан, мазкур тўпламдаги илк қисса "Юзма-юз" деб аталишида ҳам рамзий маъно бордек туюлади. Чингиз Айтматов бу қиссани ёзганидан сўнг орадан ўттиз бир йил ўтиб, унга салмоқли битта боб қўшган. Қисса ўзбек тилида илк маротаба ана шу янги боб билан бирга, яъни тўлиқ ҳолида китобхонга тақдим этилмоқда.

Абадий қондошлик

Чингиз Айтматовнинг иккинчи қиссаси – "Жамила"ни китобхонлар жуда катта қизиқиш билан қарши олганлар. Машҳур француз адиби Луи Арагон "Жамила"-ни "жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси" деб атаган, у нашр этилганидан бир йил ўтмасданоқ, асарни француз тилига таржима қилган. "Жамила" қиссаси жаҳоннинг бошқа жуда кўп тилларига ҳам ўгирилган.

Бундан ташқари, ушбу тўпламдан улуғ адибнинг ўзи "Икки ҳикоядан иборат қисса" деб ҳам атаган "Сарвқомат дилбарим", шунингдек, "Биринчи муаллим", "Сомон йўли", "Бўтакўз", "Алвидо, Гулсари", "Эрта қайтган турналар", "Оқ кема", "Соҳил ёқалаб чопаётган олапар" қиссалари жой олган. Бу асарларда севги ва дўстликка садоқат, инсонийлик ва табиатга меҳр-шафқат, маърифат ва маънавият, миллий ва умуминсоний фазилатлар моҳирона тараннум этилган. Ёзувчининг халқ оғзаки ижоди, ривоят ва афсоналарни ўз замони воқелиги билан уйғунлаштириши, аввало, унинг ана шу қиссаларида ёрқин намоён бўлган.

Чингиз Айтматов қиссаларини ўқир экансиз, унинг қаҳрамонлари табиат билан уйғунлашиб кетган оддий меҳнаткаш кишилар эканига гувоҳ бўласиз. Буни "Сомон йўли"даги яйдоқ далага тўшалган қизғалдоқ гилами, "Алвидо, Гулсари"даги саман йўрға, "Оқ кема"-даги Шохдор она буғу, "Соҳил ёқалаб чопаётган олапар"даги Сув париси – Она балиқ рамзларидан яққол англаш мумкин.

Қиссалардаги қаҳрамонлар пок, иродаси мустаҳкам, содда одамлар бўлса-да, маънавий жиҳатдан баркамолдир. Чингиз оға қаламига мансуб хотимаси фожиали асарларда ҳам эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозонишига асло шубҳа туғилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, "глобаллашув замони", "ахборот асри" деб турлича номланаётган, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда юртимизда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти асло пасайгани йўқ. Интернет, ноутбук, нетбук, уяли телефон каби замонавий технология турлари кундан-кун қанчалик кўпаймасин, китоблар ўзига хос жозибаси ва сеҳрини сақлаб қолмоқда. Адиблару адабиёт эъзозу ардоқ топмоқда.

Бу айни муддаодир. Нега деганда, китоб – билим, маънавият, маърифат манбаи. Адабиёт – инсонни улуғлайдиган, унда маънавият ва маърифат асосларини шакллантирадиган, уни комил қилиб тарбиялайдиган куч. Энг муҳими, ўзликни таниш, кўнгил мулкини бойитиш, миллий ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларни муносиб баҳолаш ҳамда ёшларимизни юксак маънавиятли, эзгу фазилатлар соҳиби этиб вояга етказишда китоб ва китобхонликнинг аҳамияти бекиёсдир.

**Акмал САИДОВ,**
**профессор**

# ДЎСТЛИК ВА САДОҚАТ ҚУДРАТИ

**Фарғона вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоасининг “Навоий ва Бойқаро” спектакли билан пойтахтга ташрифи маданий жамоатчиликда қизиқиш уйғотди. Зеро, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг шу номли драмаси адабий жамоатчилик эътирофини қозонган, бинобарин, унинг саҳнавий талқини ҳам жиддий мавзу эди. Таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов асарни тарихий жанр талабларидан келиб чиқиб саҳналаштирган.**

Тақдимот

Спектакль тақдимотидан аввал сўзга чиққан драма муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али асарнинг саҳналаштирилиши билан боғлиқ таассуротларини шундай баён қилди: “Очиғини айтсам, театр санъатининг табиатидан чуқур хабардор эмасдим. Шеърият ва насрдан фарқли равишда драматургиянинг ҳам ўз қонун-қоидалари, меҳнату машаққати борлигини спектаклни саҳналаштириш жараёнида тўла ҳис қилдим. Репетицияларни кузатиш, режиссёр, актёр ва бошқа саҳна ижодкорлари билан ҳамкорликда ишлаш каминага ўзгача ҳузур бағишлади. Фарғоналик санъаткорлар ўз ишларига масъулият билан ёндашиб, тинимсиз изланишди, спектаклга ҳар куни сайқал беришди. Бугун водий театри пойтахтда меҳмон бўлиб, мамлакатимизнинг бош театрида спектаклни намойиш этаётганидан бағоят хурсандман”.



Саҳна асарида улуғ мутафаккир Алишер Навоий ва Ҳирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги дўстлик муайян тадриж асосида, гоҳо лирик саҳналар, гоҳида эса драматик зиддиятлар орқали очиб берилади. Икки ёшнинг илк танишувидан то кексалик чоғидаги муносабатлари, шоҳ ва шоир кечинмалари спектаклнинг бадиий колорити, мазмун-мундарижасини белгилайди. Саҳналаштирувчи рассом Акмал Жамолиддинов Ҳирот манзараларини ёдга солувчи маҳобатли декорациялардан унумли фойдаланади, орқа фонда устунлари бир-бирига туташиб кетган баланд пештоқли сарой, ўртада Ҳусайн Бойқаронинг тахти намоён бўлади. Саҳналар алмашгач, бу декорациялар Хадичабегим ва канизаклар рақсга тушиб, ўйин-кулги қилаётган сарой ҳарамига, Бадиуззамоннинг қароргоҳига, шаҳзода Мўмин Мирзо ширин орзулар ила улғаяётган масканга айланади.

Либослар рассоми Севара Зуннунова ҳам мозий руҳиятини ифодаловчи ранг-баранг либосларга мурожаат қилади, доимо эл-улус, халқ дардида яшаган Навоий оддийгина яктакда кўринса, Бойқаронинг ҳукмдорлиги, мансаб-мартабаси эгнидаги зарҳал чопонда акс этади.

Спектакль марказида турувчи асосий ғоя – дўстлик. Яъни Навоий ҳар қандай мураккаб вазиятда, хоҳ салтанат ташвишлари, хоҳ ота-ўғил низоларини юмшатиш бўлсин, барчасида, аввало, дўстини ўйлайди. Унинг “Хазойин ул-маоний”ни умр фаслларига менгзаб, Бойқарога тақдим этишида ҳам чуқур маъно мужассам. Зеро, умр кузагида турган ҳукмдор шу китобларга назар ташларкан, ўтган ҳаёти, кўрган-кечирганларини сарҳисоб қилади ва яна бир карра Навоий даҳоси, чексиз тафаккури ва дўстлик қудратига таҳсин айтади.

Алишер Навоий образини гавдалантирган тажрибали актёр Адҳам Қирғизбоев шоирнинг мутафаккирлиги, донишмандлиги, юртпарварлигига алоҳида эътибор қаратган. Бироқ Навоийнинг шоир сифатидаги ботиний туйғулари, фалсафий олами, юксак дунёқарашини кўрсатишда актёрга бироз тажриба етишмаётгандек кўринди. Навоий каби улуғ зотлар образини ижро этаётган актёр, аввол, қаҳрамонининг руҳиятига, Шахс сифатидаги қирраларига чуқур эътибор бериши лозим. Адҳам Қирғизбоев ижросидаги Навоий эса, асосан, умумоқимдаги шахсга, сарой ташвишларидан бўшамайдиган давлат арбобига ўхшаб қолган.

Актёр Турғун Қосимов ижросидаги Ҳусайн Бойқаро образи талқинида муайян ютуқлар бор. Айтиш ўринлики, драма ва спектаклга кўра Бойқаро жуда мураккаб шахс. Навоий билан бўлувчи ғазалхонлик, шеърий издиҳомларда у таъби нозик, шоиртабиат инсон бўлиб кўринса, маишатпарастлиги боис Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши билан боғлиқ саҳналарда журъатсиз, фикран ва маънан ожиз кимса бўлиб тасаввурга сингади. Спектакль якунида эса ўғли Бадиуззамонни авф этиши, қилган хатолари учун тазарру қилиб, Навоий тимсолида бутун миллатдан узр сўраши томошабиннинг у ҳақдаги муносабатини яна ўзгартиради. Актёр Ҳусайн Бойқаро характеридаги ана шу беқарорлик, турфа хилликни драматик ижрода кўрсатишга интилади.

Шунингдек, спектаклдаги асосий қаҳрамонлар – Хадичабегим (М.Раҳимова), Офоқ (Д.Мирзаева), Музаффар Мирзо (П.Тошпўлатов), Мўмин Мирзо (А.Аҳмедов), Бадиуззамон (А.Темиров), Низомулмулк (К.Собиров), Бобо Али (Ф.Акбаров), Камолиддин Беҳзод (Ф.Мамасаидов) ва бошқаларни ижро этган актёрлар ҳам режиссёр кўрсатмаларидан келиб чиқиб, қаҳрамонларнинг тарихий ва бадиий қиёфасини яратишга ҳаракат қилишган.

Спектакль мотиви Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмасини ёдга солса-да, ушбу асардан фарқли ўлароқ воқеалар якуни ёркин ва некбин бўёқларда ифода этилади. Маълумки, “Алишер Навоий” драмаси мустабид тузум мафкурасидан холи бўлолмаган, бинобарин, унда шоир ва давр фожиасини кўрсатиш асосий мезонга айланган. Фарғоналик ижодкорлар эса драмага мувофиқ Мўмин Мирзонинг қатл этилишидан сўнг Навоий ва Бойқаронинг сўнгсиз армони, чорасиз ҳолатини эмас, буюк дўстлик тантанаси, ёруғ кунлар рўёбини бадиий талқин қилади. Айни давр нуқтаи назаридан бу тўғри ёндашув. Бироқ режиссёр бунинг саҳнавий шаклини топиши лозим эди. Аниқроғи, “Навоий ва Бойқаро” драмасидан бехабар мухлислар шаҳзоданинг ўлими ва шунга монанд саҳнавий муҳитдан сўнг томоша якунланди, деган хаёлга боради. Кейинги саҳналар спектакль хотимаси чўзилгандек, воқеалар шиддатини сусайтиргандек тасаввур уйғотади. Боз устига, ҳар кўринишда чироқларнинг ёниб-ўчавериши хаёлни чалғитиб, спектакль ҳақидаги яхлит фикрни тарқоқлаштиради. Назаримизда, режиссёр асарнинг умумий композицияси, воқеалар яхлитлигини таъминлашда изланишини охирига етказиши зарур.

“Навоий ва Бойқаро” спектакли мисолида бир нечта ажойиб тажрибалар йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим. Биринчидан, асарнинг саҳнага қўйилишида таниқли адабиётшунослар Бахтиёр Назаров, Шуҳрат Ризаев билан ҳамфикр иш тутилган бўлса, иккинчидан, асарнинг Миллий театрдаги намойиши кенг маданий жамоатчилик иштирокида ўтди. Фикримизча, худди шу амалиётни бошқа спектакллар тақдимотига ҳам жорий қилиш лозим. Бу, шубҳасиз, спектакль ҳақидаги фикрлар ранг-баранглигини оширади, қолаверса, адабиёт ва театр ижодкорлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Шу маънода Фарғона вилоят мусиқали драма театрининг “Навоий ва Бойқаро” спектакли билан пойтахтимизга уч кунлик ташрифи эътиборга молик маданий воқеалардан бўлди.

**Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ**

# ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

**Татаристон Президенти Р.Миннихонов юртимизга ташрифини қадимий Самарқанд шаҳридан бошлади. Ҳазрати Хизр масжиди, Хожа Дониёр ёдгорлиги, Амир Темур мавзолейи, Шоҳизинда, Регистон мажмуаларини, Мирзо Улуғбек обсерваториясини бориб кўрган Президент юртимиздаги тарихий ёдгорликлар ва дунё жавоҳирлари бўлмиш ушбу обидаларнинг бугунгача бор бўй-басти билан сақланиб келаётганидан лол қолганини айтди. Ўзига шундай ажойиб ташриф учун шароит яратиб берган республикамиз раҳбариятига миннатдорлик билдирди.**

Ўзбекистон ва жаҳон

Татаристон Республикаси давлат делегациясининг юртимизга ташрифи доирасида концерт дастурлари бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтган дастлабки тадбирда Татаристон санъат усталари ва истеъдодли ёшларидан ташкил топган жамоа ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда мухлисларга катта концерт дастурини тақдим этишди. Ўзбек санъатидан, айниқса, рақсларидан завқланган татаристонлик санъаткорлар ўз репертуарига, албатта, ўзбек миллий рақсларини киритишларини айтишди.

Қардош санъаткорлар Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида ҳам катта концерт намойиш этишди. Бу ерда Татаристон Президенти Р.Миннихонов, Россиянинг Ўзбекистондаги элчиси В.Тюрденев, Татаристон ва Ўзбекистон Маданияти вазирлари А.Сибагатуллин ҳамда Б.Сайфуллаев ва бошқа ҳурматли меҳмонлар ҳозир бўлишди. Дастур бошланишидан олдин Президент Р.Миннихонов юртимизда яшаётган татар диаспораси вакиллари билан учрашди. Ўз она тиллари, анъана ва урф-одатларини унутмаганлари учун миннатдорлик билдириб, «Сизлардан миннатдорман. Биз ўз тарихимиз, қадриятларимизни доимо ёдда тутишимиз керак. Бу, шубҳасиз, шу миллат вакилларининг ўзига, хоҳиш-иродасига боғлиқ», деди.

Театр фойесида намойиш этилган Татаристон ва Ўзбекистон тасвирий санъат усталари ва ҳунармандлари асарлари кўргазмаси томошабинларда катта таассурот қолдирди.

* * *

**Айрат СИБАГАТУЛЛИН, Татаристон Маданият вазири:** — Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Учрашувлар суҳбатлар, қизғин ва дўстона қабулдан сўнг гўё бу ерларда ўзимни кўп бора бўлгандек ҳис қилдим. Ҳар икки давлат ўртасида кўплаб муҳим ҳаётий масалалар, жумладан, маданий-инсонпарварлик муносабатлар борасида ҳам ўнлаб шартномалар имзоланди. Буларни амалга ошириш учун имкониятларимиз етарли. Энди иш уларни ҳаётга татбиқ этишда қолган. Ўзбекистонликларни меҳмондўст юртимизга таклиф этаман.



* * *

**Қўрқмас СОАТОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, балетмейстер:** — Истеъдодли татар санъаткорларини саҳнамизда кўриб ниҳоятда қувондик. Ҳамкасбларимиз вокалда ҳам рақс ва балетда ҳам, юксак маҳорат кўрсатишди. Бугун Миллий рақс ва хореография Олий мактабининг кўпгина битирувчилари Татаристонда муваффақиятли фаолият юритаётгани бизни хурсанд қилади. Бизнинг ижодий йўлларимиз туташиб кетган. Ўзбек рақсига улкан ҳисса қўшган татар фарзандлари — таниқли санъаткорлар Галия Измайлова, Гулнора Маваева, Клара Юсупова, Розия Каримовани эслашнинг ўзи кифоя. Ўзбек саҳнасида истеъдодини намоён этган татаристонлик санъаткорларни зал гулдурос қарсаклар билан сийлади. Айниқса, «Тошкент — Шарқ юлдузи» қўшиғи янграганда залга ёшлик ва қувонч кириб келгандек бўлди.

* * *

**Рабис САЛЯХОВ, Татаристонда хизмат кўрсатган рассом:** — Мен бу ерда илк бор асарларимни намойиш этдим. Талантларга бой юртингизни ўзим учун кашф қилдим. Халқларимиз, санъатимиз, жумладан, тасвирий санъатимиз асрлар оша чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Волков, Беньков, Тансиқбоев, Чориев, Чингиз Аҳмаров каби асарлари дунё хазиналаридан ўрин олган буюк рассомлар ижод қилган тупроққа қадам қўйганимдан хурсандман. Бу ердаги учрашув ва суҳбатлар кўп йиллардан буён юртингиз ва одамларингиз ҳақида айтиб келинаётган самимий, қайноқ дил сўзлари ҳаққоний эканини исботлади, Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари Буюк ипак йўли минг йиллар давомида бизни боғлаб турган ипак ипларидан ҳам мустаҳкам бўлишига ишонаман.

**Ф.ГУМАРОВА**

# МУСИҚА ИЛМИ ФИДОЙИСИ

Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди Соибжон Бегматов ўзбек мусиқа илмига муносиб ҳисса қўшган, кўплаб шогирд тайёрлаган фидойи устозларимиздан. Устоз педагог қатор фанлардан бакалавриат ва магистратура босқичи талабаларига дарс бериш билан бирга, битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари ва магистрлик рефератларига илмий раҳбарлик ҳам қилади. Ҳозирга қадар қирқдан ортиқ магистр, тўртта аспирант ҳамда учта илмий тадқиқотчи С.Бегматов раҳбарлигида муваффақиятли иш олиб борди.



Олимнинг диссертацияси “Фарғона водийси ҳофизлик анъаналари” (Содирхон ҳофиз, Жўрахон Султонов ва Расулқори Мамадалиев ижоди мисолида) мавзусида бўлгани боис, илмий-ижодий ишларининг аксари анъанавий мусиқа ижрочилиги ва чолғулари, услуби ва услубиёти билан боғлиқ. Миллий мусиқамизнинг етук бастакорлари ва ҳофизлари ҳақидаги “Орифхон Ҳотамов”, “Камолиддин Раҳимов”, “Мухторжон Муртазоев”, “Ориф Алимахсумов” каби монографик ўқув қўлланмалар; “Мусиқа” дарслиги, “Мақом сурнай йўллари”, “Анъанавий ансамбл синфи”, “Ўзбек анъанавий чолғулари”, “Ҳофизлик санъати” каби қўлланмалар, “Шарқ халқлари мусиқа маданияти” электрон дарслик ва 50дан ортиқ мақола муаллифи бўлган С.Бегматовнинг “Ўзбек анъанавий чолғулари” ўқув қўлланмаси “Йилнинг энг яхши дарслик ва ўқув қўлланмаси муаллифи” республика танловида 3-даражали дипломга сазовор бўлган.

Соибжон Бегматов халқаро ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган илмий анжуманлар, симпозиум ва конференцияларнинг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси бўлиш билан бирга, 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида миллий мусиқа санъатимизни телевидение ва радио орқали ҳам тарғиб этиб келмоқда. Айниқса, “Барҳаёт наволар”, “Мусиқамиз меросидан”, “Анъаналар этади давом”, “Нафосат гулшани”, “Кўҳна созлар”, “Мусиқий меросимиз хазинасидан”, “Мақом назми”, “Шашмақом”, “Навоий ва мусиқа” кўрсатувлари муаллифи сифатида кенг томошабинлар аудиториясини миллий мусиқа меросимиз билан таништиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Устоз оилада фарзандлар тарбиясига жиддий ёндошадиган меҳрибон ота. Уч фарзанднинг, тўрт набиранинг меҳрибон бобо ва бувижониси сифатида умр йўлдоши Муҳаррамхон Соҳибова билан 35 йилдан буён умргузаронлик қилиб келмоқда. Катта қизи Назокат Алиева дизайнер, ўғли Саиджон Бегматов муҳандис-мутахассис, кичкина қизи Наргиза Бегматова Ўзбекистон Ёш ижрочилар оркестрида ижрочи-мусиқашунос сифатида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Узоқ йиллар давомида муносиб шогирдлар тарбиялаб келаётган фидойи инсон, меҳрибон устоз, жонкуяр тарғиботчи Соибжон Бегматовни қутлуғ 60 ёши билан барча шогирдлари ва ҳамкасблари номидан муборакбод этамиз. Устозга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, илмий-ижодий ишларида баркамоллик, хонадонларига файзу барака тилаймиз.

**Азизжон ЗОКИРОВ, Лайло ЖЎРАЕВА,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчилари**

# БУХОРОДА ЧЕХ ОҲАНГЛАРИ



Бухоро санъат коллежининг катта залида Чехия Республикаси "Бэдрник" фольклор жамоасининг куй-қўшиқлари янгради. Ўзбекистондаги Чехия элчихонаси таклифига биноан юртимизга келган санъаткорлар концертини очган Михаела Поспишилова хоним ушбу жамоа ва унинг ижро дастури тўғрисида маълумот берди.

Жамоанинг Чехия жанубидаги тоғли халқлар урф-одатларини, миллий анъаналарини ифодаловчи куй-қўшиқлари миллий чолғу асбобларидан волынка (пуфлама чолғу), кларнет, скрипка, контрабасс, возембуч (урма асбоб) жўрлигида янгради.

Етти кишидан иборат фольклор жамоасидаги ҳар бир ижрочи алоҳида чолғу асбобини чалиш билан бирга, қўшиқларни ҳам ҳамнафасликда моҳирона ижро этишди. Дастурдан ўрин олган халқнинг урф-одатларини, миллий анъаналарини ўзида акс эттирган “Бэдрник”, “Доублеб полкаси”, “Келажакка йўл”, “Маринко, Маринко” ва бошқа қатор ҳазил-мутойибали, рақсбоп қўшиқлар йиғилганларга завқ бағишлади.

— Бухорога биринчи марта келишимиз, — деди ансамбль раҳбари жаноб Литовский. — Одамшаванда, санъатсевар халқингизнинг куй-қўшиққа муҳаббати, Чехия мусиқа санъатига ҳурмат ва эҳтироми бизни янада илҳомлантирди. Ижро давомида бизга жўр бўлиб куйлаганларини кўриб бошимиз осмонга етди.

Концерт сўнгида коллежнинг маданият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Б.Исматов жамоага миннатдорлик билдириб, эсдалик совғаларини топширди.

**Диловар ҚОДИРОВА,**
**Бухоро санъат билим юрти ўқитувчиси**

# ВАЗИР БИЛАН МУЛОҚОТ

Кўп йиллик иш жараёни мобайнида ҳали бундай мулоқотнинг гувоҳи бўлмаган эдим. Ҳар қандай расмиятчиликдан холи, ўзаро самимий ва дўстона савол-жавоблар асосига қурилган мазкур учрашув унда иштирок этган талаба ёшлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Муҳими, савол бериш ва муаммоларга тўхталишда ҳеч қандай чеклов бўлмаганидек, жавобларда ҳам бирор мавҳумлик, юзакилик кўзга ташланмади. Қандай мулоқот ҳақида гап бераётгани кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Бундай қизиқарли учрашув Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. “Буюк келажакка қатъий ишонч билан” шиори остида ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти, Миллий рақс ва хореография олий мактаби ва Консерваторияда таҳсил олаётган талабалар қатнашди. Уларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев жавоб берди.

Талабалар томонидан раҳбарият олдига, айтайлик, баъзи олий ўқув юртларида магистратурага ўринларни кўпайтиришга эҳтиёж борлиги, истеъдодли талаба ёшлар учун телевидениеда вақт ажратилиши, дарсдан ташқари вақтларда мустақил шуғулланиш учун шароит зарурлиги, баъзи соҳаларда, жумладан, хореография бўйича ўзбек тилидаги адабиётларга эҳтиёж мавжудлиги ҳақидаги мурожаатларга вазир томонидан ижобий жавоб бўлгани йиғилганларни қувонтирди.

Миллий рақс ва хореография Олий мактаби талабасининг мазкур ўқув юртида ётоқхонанинг йўқлиги жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани, шуни инобатга олиб мактаб учун ажратилган бинонинг 5-6 қаватларини ётоқхонага ажратиб бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги мурожаатига Б.Сайфуллаев шундай жавоб берди: “Биласизми, бу масалада бир хил фикрлаётган эканмиз. Ўзимиз ҳам масалани худди шу тарзда ҳал қилишни режалаштириб тургандек. Бу муаммони имкон қадар қисқа фурсатда ҳал этишга ҳаракат қиламиз”.

Маданият вазири ёшлар томонидан ўртага ташланган бошқа масалалар, жумладан, ижодий имтиҳонларни экран орқали ота-оналарга ҳам намойиш этиш, мақом ва мумтоз мусиқа йўналишидаги адабиётларни кўпайтириш, рақс соҳасида мутахассислик фанларига эътиборни кучайтириш, режиссёрлик ва операторликка ўқиётган талабаларга алоҳида техника ажратиш, халқаро танловларда талабаларнинг иштирокини янада кенгайтиришга эътибор бериш ҳақидаги савол ва таклифларига жавоб бериб, ушбу учрашувда билдирилган барча фикр-мулоҳазалар инобатга олиниши ҳамда имкон қадар қисқа муддатларда ижобий ҳал қилинишини айтди.

— Бу мулоқот биринчи ва охиргиси эмас, — деди вазир учрашувни якунлар экан. — Ҳали сизлар билан кўп учрашамиз ва юзма-юз очиқ суҳбатлашамиз. Иложи борича учрашувларда билдирилган таклиф-истакларни жойида ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Талабаларнинг ўзлари ҳам мавжуд камчиликларни бартараф этишда бизга ёрдам берадилар, деб ўйлайман.

Мулоқотда қатнашган барча талаба ёшларнинг юз-кўзидан бу сўзларга астойдил қўшилганлари кўриниб турди. Президентимиз бугун айнан шундай ишлашни талаб қиляпти. Яъни халқ дардини тинглаш, унинг муаммолари ечимини излаш ва топиш ҳар бир раҳбар ходим иш жараёнининг узвий қисмига айланиши керак. Буюк келажакка қатъий ишонч билан қадам ташлашнинг асосий омилларидан бири бу!

**Г.УМАРОВА**

**Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли бор. Ана шу йўлни бир машъала сингари ёритиб турувчи китоб маънавий оламимизни бойитади, кўзларимизга нур, қалбларимизга қувонч бахш этади...**

Китобхонлик

# ҚАЛБЛАРИМИЗ НУРГА ТЎЛСИН

Ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети филология факултети сиртқи бўлимида ўқишни бошлаган кезларимда диалектология фани ўқитувчиси, домла Карим Назаров дарс жараёнида ўртага савол ташлади: «Бўстонлиқ туманидан келган талабалар борми, бўлса қўлларини кўтарсин...».

Мен қўл кўтарарканман, яна кимдир бормикин, дея атрофга назар ташладим. Ўртароқда соҳибжамол қиз қуралай кўзларини менга тикиб турарди.

— Юз нафардан зиёд талабалар орасида бир тумандан бир йигит ва бир қиз — ёқимли жилмайди домла. — Яхши! Айтинглар-чи, мен ҳозир ўқиган шеърдаги сўзлар Бўстонликдаги қишлоқлар аҳолиси шевасида борми?..

Икковимиз бараварига тасдиқладик ва шу баҳона танишиб олдик. Дарс тугагач, боғ оралаб борар эканмиз, қўлимдаги китобчага назари тушган курсдошим сўради:

— Бу сизнинг китобингизми?

— Қаёқдан билдингиз?

—Тепасида ёзиб қўйибди-ку!

— Ҳа, менинг биринчи китобчам...

Курсдошим, бўлғуси турмуш йўлдошим билан суҳбатимиз китоб мавзусида давом этди.

Мен Хондайлиқ қишлоғидаги отам мудирлик қиладиган кутубхонанинг бойлиги, ўқиган китобларим тўғрисида, у эса, ўзининг туғилган қишлоғидаги кутубхона ҳақида тўлиб-тошиб сўзлардик. Иккаламизнинг ўқиган, ўқиётган китобларимиз кўпинча бир хил бўлиб чиқарди: ўзбек халқ эртак ва достонлари «Кунтуғмиш», «Алпомиш»... Суҳбат беихтиёр узайиб, «Чоliқуши», «Гули сиёҳ», «Сўна», «Капитан Грант болалари» сингари китобларни шарҳлаш билан давом этди. Бир гал курсдошим деярли йиғламсираган оҳангда гапириб қолди:

— Шундай асл китоблар хароб аҳволдаги бинода, томидан чакка ўтиб ётади.

Мен эса нима дейишимни билмай қолдим. Чунки бизнинг қишлоқ кутубхонасининг аҳволи ундан-да баттар эди. Шунга қарамай, ўша шишиб кетган китобларни авайлаб, қайта-қайта ўқиш завқидан баҳраманд бўлганимизга шукр қиламиз. Ҳозир ушбу қишлоқларда хароб аҳволдаги кутубхоналар-у китоблар ҳам йўқ... Қишлоқларни-ку, қўя турайлик, бутун бошли туманда битта ҳам китоб дўкони йўқлигига нима дейсиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши ушбу соҳа муаммоларини ҳал этишда айни муддао бўлди.

Тўғри, бу масалада 2006 йилда ҳам «Республика аҳолисини ахборот кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарор анча жиддий муаммоларни ижобий ҳал этиб, олдимизга қўйилган масалалар ижросини таъминлаган эди. Аммо фан-техника тараққиёти, ҳозирги китобхон савияси ва талаби бу соҳанинг ҳамма йўналишида бутунлай туб ўзгаришларни кутмоқда. Биз юқорида айтиб ўтган – томидан чакка ўтган бинолар эмас, ўз мухлисини маҳлиё этиб бағрига тортадиган замонавий кутубхоналар, хоҳлаганда очиб, истаганда қулф осиб кетаверадиган кутубхона ходимлари эмас, китобхонликка муккасидан кетган, ўз соҳасининг олий даражадаги мутахассислари керак. Албатта, бу вазифаларни қисқа фурсатда ва осонгина бажариб бўлмайди.

Китоб ва китобхонлик оламида муҳимдан-муҳим яна бир йўналиш борки, буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Яхши китоб осмондан тушмайди, уларни истеъдодли ёзувчилар яратади. Бошқача қилиб айтганда, не-не азоб-уқубатлар билан дунёга келтирадилар. Ёзувчи қандай аҳволда ёзса, ўқувчи ҳам шу ҳолга тушади: йиғласа йиғлайди, кулса кулади, азобланса ёки қийналса, у ҳам қийналиб азобланади.

Бальзакнинг бир асарида мудҳиш воқеага гувоҳ бўламиз. Гап шундаки, машҳур адибнинг асарлари ёзилиш жараёнида вақтли матбуотда мунтазам эълон қилнар экан. Воқеа тўхтаган жойда қотил ойболтани қурбон бўлиши керак бўлган одам бошида даст кўтарибди-ю, асар якунланибди. Шу куниёқ мухлислар адиб дарвозаси олдига тўпланишиб, бор овозлари билан илтижо қилибдилар: «Бальзак жаноблари, илтимос, шу бечорани ўлдирманг!».

Эртаси ихлосмандлар матбуот дўкони атрофига тонг қоронғисида тўпланиб кутишибди. Ўқиб кўрсалар, қотил болта билан чунонам урибдики, қурбоннинг боши ўттиз метр нарига учиб кетибди! «Нега бундай қилдингиз, нима учун бечорани ўлдирдингиз?!» сурон солишибди Бальзак дарвозаси олдига яна тўпланган мухлислар. «Мен ҳаракат қилиб кўрдим, аммо уни ҳаётнинг ўзи ўлдириб қўйди» деб жавоб берган экан адиб...

Ўспиринлик чоғимда «Капитан Грант болалари» китобини қўлга олар эканман, «Жуда қалин-ку, буни қачон ўқиб битирасан?», деб қайтармоқчи бўлди кутубхона мудири, яъни отам. Ажойиб саргузаштлар оқимида ғойиб бўлган отасини излаб уммонлар оша дунё кезган менга тенгдош йигитчанинг падари бузрукворига ғоят чексиз меҳр-муҳаббати, довюраклик каби фазилатлари мени шу қадар мафтун айлаган эдики, китобни қўлдан қўймай ўқиб чиққанман. Мана, ёзувчининг маҳорати-ю, яхши китобнинг қудрати!.. Китоб ўқиш лаззатидан баҳраманд бўлиш қанчалар тотли... Ана шу лаззатдан бебаҳра қолганларга ачинасан киши.

Бугун барча соҳа вакиллари қатори ёзувчилар учун астойдил, бор маҳорат, меҳрини бериб ижод қиладиган давр келди. Юртбошимиз ижодкорлар учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Шу ўринда соҳа вакиллари амалга оширадиган яна бир улуғ, шарафли вазифа турибди. Ватанимизни юксакликларга кўтариб, жаҳонга танитган биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳаёти ва ибратли фаолияти хусусида қалам тебратиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бу ишга киришишдан аввал Биринчи Президентнинг барча китобларини қайта-қайта синчиклаб ўқиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Серқирра бу асарларни яна ва яна ўқисак, шунча кўп маъно ва мазмунларни уқамиз, ўзлаштираверамиз. Айниқса, авлодларимиз учун бу иш ғоят муҳим ҳаётий зарурат. Зеро, улар келажагимиз эгалари.

**Асад АСИЛ,**
**“Дўстлик” ордени соҳиби**

Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир

## ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга тақдим этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан баҳраманд бўлинг.*

**Мурожаат учун манзил: 100128,Тошкент ш., Лабзак кўчаси., 86 уй.**
**Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42**
**www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz**

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.



# КУНИ БЎЙИ ЎЙНАДИМ

Болалар бекати

## БЕХАБАРЛИК

**— Уй вазифанг бенуқсон,**
**Ким ёрдам берди, қизим?**
**— Билмадим, муаллимжон,**
**Ухлаб қолгандим ўзим.**

## НОЧОРЛИК

**— Бор-йўғи ўнгача**
**Санайсанми, чироғим?**
**— Қандоқ қилай, шунчага**
**Етади-да бармоғим.**

## БАНДЛИК

**— Ўзинг яхши-ю, Омон,**
**Бекор юрганинг ёмон.**
**— Бугун бекор юрмадим,**
**Куни бўйи ўйнадим.**

## РАҚАМЛАР

**— Рим рақами қанақа?**
**Савол бердим Каримга.**
**Дейди: — Не билай, ака,**
**Бормаганман-ку Римга.**

## АНИҚ МУДДАТ

**— Айтгин, қачон дарс қилиб,**
**Йўқотасан “икки”ни?**
**— Беш оламан, бобомлар**
**Таътилдан қайтган куни.**

## ИХТИРО

**— Нега ойнак тақволдинг,**
**Чучварани еганда?**
**— Ойнак тақсам, чучвара**
**Манти бўлар экан-да.**

## ТАКЛИФ

**— Яна кечикдинг, қўзим,**
**Ухлаш — ёмон одатинг.**

**— Ухламас эдим ўзим,**
**Ухлаб қопти соатим.**

**— Унда пул йиғиб бироз,**
**Сотиб олақол хўроз.**

**— Хўрозимиз бор эди,**
**Дадам қовуриб еди.**

**— Бўлмаса, айтгил, ойинг**
**Уйғотиб турсин доим.**

**— Ойим, тўғрисин дейин,**
**Туради мендан кейин.**

**— Унда дўстинг Шотурсун,**
**Сени уйғотиб кўрсин.**

**— Қопоғон итимиз бор,**
**Қўйинг, бежанжал юрсин.**

**— Айт, не қилсам, болажон,**
**Қолмайсан ўқишингдан?**

**— Энг яхшиси, домлажон,**
**Дарсни бошланг пешиндан.**

**Худойберди КОМИЛОВ,**
**ўқитувчи**

# БЕНАЗИР МУРАББИЙ

Сиймолар

*Замон талабига мувофиқ, ёш авлоднинг ақлу заковатига мос дарслик китоблар ёзиш ва тузиш осон иш эмас. Айниқса, истибдод ва мустамлака даврида бу шарафли вазифанинг масъулияти оғирроқ бўлган. Тарихимизда умрини бундай хайрли ишга бағишлаб ўтган фидойи зотлар бор. Ана шундай атоқли шахслардан бири – йирик сиёсат ва маърифат арбоби, миллат мураббийси, ватан жонкуяри, илму маърифат фидойиси Мунавварқори Абдурашидхонов. Адиб ва шоир бўлган бу зот Тошкентда янги ирфоний ҳаракатнинг фаол етакчиси, XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири эди.*

Мунавварқори 1878 йилда Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги Дархон маҳалласида зиёли оилада дунёга келди. Дастлабки таълим-тарбияни онасидан олди. Сўнг даврининг таниқли муаллими Усмон домладан қироат ва тажвид илмини ўрганиб, ҳофизи Қуръон бўлганлиги манбаларда қайд этилади. У 1885-1890 йилларда Бухородаги Мир Араб мадрасасида илм таҳсилни бошлайди, лекин таълим охирига етмай, Тошкентга қайтади ва имом ҳамда муаллим ўлароқ маърифий хизматини бошлайди. Кейинчалик Тошкентдаги Эшонқули Додхоҳ мадрасасида ўқишни давом эттиради. 1901 йилда ташкил этилган янги усулдаги мактаб Мунавварқори номи билан боғлиқдир. Шахсан ўзи шундай мактаблар учун махсус ўқув дастурини тузиб, дарслик китоблар ёзади.

Мунавварқори даврнинг энг долзарб муаммоларини теран англаган ҳолда жамиятнинг сиёсий, маданий, маърифий ишларига фаол аралашади. Миллат руҳий ҳаётининг бир қисми диний-маънавий таълимот бўлса, яна бир муҳим қисми адабиёт эди. Мунавварқори ҳофизи Қуръон, етук аллома ва беназир мураббий сифатида руҳий тарбия мактабининг бу икки соҳасида ҳам унумли фаолият юритади. У 1906 йилдан «Ўрта Осиёнинг умргузорлиги» ва «Тараққий» газеталарида адабий ходим сифатида хизмат қилиб, ўша йили ношир ва муҳаррир ўлароқ «Хуршид» газетасини ташкил этди. 1907–1908 йилларда «Шуҳрат», «Тужжор», «Осиё» газеталарига мафкуравий жиҳатдан раҳбарлик қилди, айни вақтда, адабий ходим вазифасини бажарди. 1914-1915 йилларда «Садойи Туркистон» газетасида масъул муҳаррир муовини, 1915-1917 йилларда «Ал-ислоҳ» журналида муҳаррир, 1917 йилда «Нажот» ва «Кенгаш» газеталарида масъул муҳаррир бўлиб хизмат қилди.

Мунавварқори ўз миллати ва ватани учун халқаро миқёсда тинимсиз фаолият кўрсатган шахсдир. У ўз даврида Халқ дорулфунуни шўроси раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шуъбаси мудири ва Тошкент шаҳри маориф нозири мақомларида хизмат қилди. 1920 йилда Бокуда ташкил этилган Шарқ халқлари съезди вакили ва ҳайъатининг аъзоси бўлди, 1920-1921 йилларда Бухоро Маориф нозирлигида вақф бўлими бошлиғи, 1921 йили Тошкент шаҳри ижтимоий тарбия бўлими мудири, 1922 йили Академмарказ раиси, 1923-1925 йилларда Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги педагогика техникуми ва аёллар педагогика институтида муаллим, 1927-1928 йилларда Самарқанд шаҳри музейида илмий ходим, Ўзбекистон осори-атиқаларни сақлаш қўмитасининг Тошкент-Фарғона бўлимида масъул котиб бўлиб хизмат қилди.

Мунавварқори қайси лавозим, қайси вазифада ишламасин, унинг фаолияти марказида таълим соҳаси турар эди. Ўз халқини шуури уйғоқ, тафаккури соғлом, руҳи озод, мақсади олий бир халқ қилиб етиштириш бу фидойи зотнинг бош ғояси эди. Мустамлакачи ҳукмдорлар халқни билимсизлаштириш орқали ўз ноҳақ мафкурасини кенг кўламда жорий этишга қаттиқ киришган даврда Мунавварқоридек шахсларнинг маърифий фаолияти халққа ҳаёт беришдек зарурий эди.

Мунавварқори ижтимоий-педагогик фаолият билан бирга бадиий ижод билан ҳам шуғулланди, унинг ибратли ҳикоя ва шеърлари ўз даври матбуотида эълон қилинди, ўзи тузган дарслик китобларга киритилди. Шунингдек, у публицист адиб сифатида ҳам шуҳрат қозонди.

Мунавварқори виждон эркинлигини ошкор намоён этадиган дунёвий демократик давлат тарафдори эди. У чор ва шўро ҳукуматлари юритган мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб бориб, 1917-1924 йилларда «Шўройи ислом», «Турк адам марказият», «Иттиҳод ва тараққиёт», «Миллий иттиҳод», «Нашри маориф» каби жамият ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилди. Қўқон шаҳрида ташкил этилган Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаган зиёлилар орасида Мунавварқори амалий фаолияти билан камарбаста эди. Бир умр ўз ватанини озод ва мустақил ҳолда кўришни орзу қилган ва бу йўлда кураш олиб борган Мунавварқори 1929 йили қатағон қилинди.

1991 йилда Мунавварқорининг номи расман оқланди. Тошкентдаги кўчалардан бири, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла ва Шайхонтоҳур тумани «Илғор» маҳалласидаги жоме масжидига Мунавварқори номи берилди. Мунавварқори шахсияти келажак наслларга буюк ибратдир.

Ватан ўз фидойиларини ифтихор ва шараф билан ёд этади.

**Рахшона КЕНЖАБОЕВА,**
**илмий тадқиқотчи**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

**Саодат ЙЎЛДОШЕВА**нинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.55

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3413. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X